Бу эса гапирмоқ маъносини ифодалайди. Яъни, бу шуни англатадики, корейс тилида гапириш ва ёзишнинг 3 та даражаси бор. Бошланғич, ўрта ва юқори даража. Юқорида айтиб ўтган гапирмоқ сўзининг бу икки тури ушбу даражаларни билдиради. Демак, **말하다** бошланғич, **말을 걸다** эса ўрта даражани ифодалайди. Бундан кўришиб турибдики сўзловчи гапираётганда ушбу сўзларнинг қайси бирини қўллашига қараб унинг тилни билиш даражасини аниқласа бўлади. Ушбу иборага шу асардан мисол келтириб ўтсак. **강지우가 프라이팬에 식용유를 뿌리고 있던 그때, 고시원 총무 일을 하고 있는 박시원이 그에게 말을 걸어왔다.** - Канг Жи У товага ёғни солиб турган вақтда ижара уйда иш қилиб юрадиган хизматчи унга **гап қотди**.

그의 눈앞에 웬 이상한 글자가 떠올랐다. - Унинг кўз олдида негадир бояги ғалати **ёзув пайдо бўлди** (кўз олдида келди)

주사위를 손에 쥔 강지우는 고민에 빠졌다. - Ўйинчокни қўлида ушлаган Канг Жи У ўйга толди. (ўйга ғарқ бўлди маъносида). **빠지다** феълининг асл маъноси **тушмоқ** бўлиб, бу гапда **ўйнинг ичига тушиб кетиш** маъносида **ўйга толди** деб таржима қилинади. Бундан ташқари яна худди шу феъл **сараф**га **빠지다** иборасидаги **сараф** севги сўзи билан бирга келган ва **севиб қолмоқ** деб таржима қилинади. Яъни, **севгининг ичига тушиб кетмоқ** маъносида метафора шаклида ифодаланган. **문을 열자 박시원이 환하게 웃고 있었다.** - Эшикни очган ижара уй эгаси **очиққина кулиб турарди**. Бу гапдаги **환하게** сўзи **ёрқин, очиқ** деб таржима қилинади.

배가 부르고 술까지 들어가자 아르바이트가 취소돼서 우울해졌던 강지우의 기분이 풀렸다. - Қорни тўйиб

ароқгача ичиб иши бекор бўлиб ғамга
ботган Канг Жи Унинг **кайфияти**
яхшиланди. Ушбу мисолда Канг Жи
Унинг иши бекор бўлганлиги учун
кайфияти яхши эмасди, лекин овқат еб ароқ
ичгандан сўнг ёмон кайфияти яхши бўлди.
Яъни сўзма-сўз айтганда “кайфияти ечилди,
очилди”.

‘**아까 눈 맞았더니 감기기운 돌아서**
그래’ – Боя кўзларимиз тўқнашганди.
Tv가 고장 났다고 꼭 **시원**에게 말하러 갈
기원조차 없었다 – Телевизор бузилди деб
айтиб боришга ҳолим ҳам йўқ хаттоки. Бу
мисолда**시원**에게 **말하러** иборасидаги
시원하다 сўзининг таржимасини ўзбек
тилида изохлаб бўлмайди. Чунки унинг
маъноси янги узилган ёки салқинликни
билдирадиган жуда кенг маънога эга сўз
бўлиб уни ишлатганда биз фақат ҳис қилиш
орқалигина маъно чиқара олишимиз
мумкин. Бу сўз **시원**한 과일, 날씨가
시원해요 каби кўринишда ишлатилади ва
янги узилган мева, ҳаво салқин (тоза) каби
бирикмаларда шу маъноларда ишлатилади.

설명서의 내용은 너무 부실해서
목구멍 끝까지 욕이 치솟아오를 정도였다.

– Қўлланманинг мазмуни жуда ҳам тушунарсиз бўлганлиги учун **жаҳли бўғзигача кўтарилиш даражасига етди.** Ушбу мисолдаги **목구멍 끝까지 욕이 치솟아오를 정도였다** иборасини сўзма-сўз таржима қиладиган бўлсак қуйидагича маънога эга бўламиз: **жаҳли томоғининг тешигигача кўтарилиш даражасига етди.** Яъни бунда муаллиф айтмоқчики **жаҳл** ва **ҳақорат** сўзларни айтиш ич-ичидан кўтарилиб томоғининг бўғзигача келиш даражасини чиройли тарзда етказдириб берган.

다시 한 번 보드게임판에서 빛이
흘러나왔다. – Яна бир марта тахта үйин

доскасидан нур таралди. Яъни, **빛이
흘러나왔다** нур оқиб чикди.

상아처럼 흰 피부, 반짝이는 눈동자
 여성스럽게 굴곡 이룬 몸매, 볼꿀색
 고수머리- **Фил суягидек оппоқ бадан,**
 чакнаб турган кўз қорачиқлар, аёлларга хос
 бўлган нозик қомат, чиройли товланиб
 турган сочлар. Бу гапда **상아처럼 흰 피부**
 иборасида **фил суягидек оқ тери**
 бўлмаганидек терининг ранги нисбатан оқ
 ва тоза бўлганлиги учун уни фил суягига
 ўхшатиб чиройли тарзда етказдириб
 берилган.

통장 작고를 확인한 그의 입가에는
화한 미소가 매렸다 – Омонат жамғарма
дафтарчасини кўриб унинг лабида **майин**
табассум пайдо бўлди.

жиллион의 날카로운 목소리가 아니의 공포심을 꺼뜨렸다. – Жиллионнинг ўткир овози Анининг кўрқувини аланга олдирди. Бу мисолда **날카로운 목소리가** ўткир овоз ҳамда **공포심을** 꺼뜨렸다 кўрқувни алангалатиши метафоранинг бир кўриниши ҳисобланади.

Шунга қарамай, айрим мутахассислар, юқорида келтирилганидай, "метафора - ўхшатишнинг қисқарган шакли" - деган изоҳни илгари сурадилар [Томашевский Б.В. Стилистика я стихосложения. - М.. 1952. С 222]. Бу фикр ҳам ўрни билан тўғри. Масалан, ўзбек тилида токни зарарлайдиган оидиум касаллигини кул сўзининг ҳосила маъноси ифодалайди. Уни "кулга ўхшаш касаллик" ўхшатиш қурилмасининг қисқарган шакли дейиш жуда тўғри бўлади. Бу ўринда ўхшатиш субъекти тушиб қолиб, ўхшатиш қурилмасининг факат кул эталони бутун маъносини ўзида сақлаган ва ўхшатишнинг қисқарган шакли - метафора юзага келган. Яъни буни метафоранинг айрим кўриниши сифатида кўрсатиш мумкин. Лекин шундай метафоралар ҳам борки, уларни бу қолип билан ўлчаб бўлмайди. Масалан, *дарвоза* сўзининг ўз ва ҳосила маъноси мавжуд.



Унинг ўз лексик маъноси ҳовлига кириб чиқиладиган қурилиш комплекси бўлса, ҳосила маъноси футбол ўйинида тўп киритиладиган қурилмани билдиради. Бу ўриндаги ҳосила маънони фалон ўхшатиш қурилмасининг қисқарган шакли, деб изоҳлаш мумкин эмас. Яъни метафораларни ҳамма вақт ҳам ўлчаши имконияти йўқ. Бу шуни кўрсатадики, метафораларнинг ўзи ҳам бир неча кўринишга эга. Бироқ уни тасниф қилишга унча уринилган эмас. Адабиётларда эса метафоралар бутунлай бошқа мақсадда тил ҳодисаси ва нутқ ҳодисаси деб икки кўринишга ажратиб кўрсатилади. [Арнольд И. В. Лексикология современного английского языка. - С. 75.] Нутқ ҳодисаси бўлган метафора назарий тилшунослик учун текшириш объекти бўлмайди. У тилшуносликнинг услубият билан шуғулланувчи соҳасига оиддир. Шунинг учун унга диққатни бўлмаймиз.

Тил ҳодисаси бўлган метафора Европа тилларига оид баъзи адабиётларда, юзага келтирган ўхшатиш белгисига кўра, бир неча кўринишга ажратилади [Арнольд И.В., Лексикология современного английского языка. - С. 75; Rayevska N. English lexicologie. – Киев. 1961, Р. 103-110]. Метафоралар бу асосда тасниф қилинса, улар шунча кўп кўринишга эга бўладики, униинг саноғини аниқлаб бўлмайди. Шунинг учун ҳам мазкур асос билан уни турли кўринишга ажратиб кўрсатган адабиётлар аниқ бир хил миқдор белгилай олмаганлар. Бизнингча, бу асос

тасниф учун эмас, балки ҳосила маъно юзага келиш сабабини тадқиқ этиш учун татбиқ қилингани маъқул.

Тил ҳодисаси сифатидаги метафоралар юқорида қайд этилганидан ташқари асосда кўринишга ажратилганича йўқ, Нутқ ҳодисасига оид метафоралар эса персонификация, символизация, аллегория, синестезиялар берилиб, улар метафоранинг кўриниши деб қайд этилган. Бундан ташқари унда оддий метафора ҳам борлиги англашилиб турибди. Нутқ ҳодисасига оид метафораларнинг бу кўринишларини, мохиятан караганда, баъзи ўзгаришлар билан тил ҳодисасига оид метфораларга татбиқ этса бўлади. Бунда нутқнинг соф ўз хусусиятидан келиб чиққан символизация ва аллегорияларни чиқариб ташлашга тўғри келади. Чунки символизация нутқ кечимидаги эллипсис билан боғлиқ содир бўлувчи метафорадир. [Миртожиев М. М. Эллипсис ва кўчма маънолар // Ўзбек тили ва адабиёти. - 1973. 1-сон. 57-61-б.]. Аллегория эса нутқ кечимидаги қочирим ва интонация билан боғли ҳолатда юзага чиқади. Шундан келиб чиқиб тил ҳодисаси бўлган метафоралар оддий метафора персонификация ва синестезия каби кўринишларга бўлинади. Метафоранинг оддий метафора, персонификация ва синестезия деган кўринишлари ҳосил қилувчи ва ҳосила маъно референтларининг ўзаро ўхшатилиш ҳолатига караб белгиланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Никитин М.В. Курс лингвистической семантики – С.-Петербург., 2007.
2. Арнольд И.В. Лексикология современного английского языка. - С. 70
3. Реформатский А.А. Введение в языковедение.
4. Томашевский Б.В. Стилистика я стихосложения. - М.. 1952.
5. Миртожиев М.М. Эллипсис ва кўчма маънолар // Ўзбек тили ва адабиёти. - 1973. 1-сон.
6. Корейсча-русча луғат
7. 시를 잊은 그대에게 – 정재찬 2012
- 8.윤준모 ‘신의 알바’
9. ridibooks.com



Эшимова Ш. Особенности метафоры тропинимического происхождения. В этой статье кратко объясняется значение соединения, которое возникает в результате интерпретации знаков в процессе тропинимического происхождения. При этом, подчеркивается значимость метафоры как феномена.

Eshimova Sh. Peculiarities of use of trope derivation metaphor. This article briefly explains the meaning of the trope derivation process by a comparative result of the signs. Meanwhile, the importance of the metaphor as a phenomenon is emphasized.



МУРАККАБ СИНТАКТИК ҚУРИЛМАЛАР ҲАҚИДА БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР (ХИТОЙ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИ МАТЕРИАЛЛАРИ АСОСИДА)

Неъматова Нигина,

Самарқанд давлат чет тиллар институти мустақил изланувчиси

Калит сўзлар: синтактик деривация, мураккаб синтактик қурилмалар, паратактик алоқа, гипотактик МСҚлар, ҳоким гап, тобе гап, семантик тадқиқотлар, тобе алоқа.

Биринчи Президентимиз И.А.Каримов тўғри таъкидлаганлари каби : „Кўп асрлик тарихимиз шуни кўрсатадики, инсон дунёқараши шаклланишида маърифат, хусусан, ижтимоий фанларнинг ўрни бекиёс. Бу таълимда тилшунослик бўладими, тарих, фалсафа, сиёсатшунослик бўладими, психология ёки иқтисод бўладими уларнинг барчаси, инсоннинг интеллектуал камолотга эришувида катта таъсир кучига эга“⁴⁴. Тил сиёсати, она тили мавқеи ва унга муносабатнинг тамоман ўзгариши мустақиллик даврида юз берди. Она тилимизнинг қонуний мақоми ва ҳимоясига эга бўлиши ватанимиз тарихида том маънодаги воқеа бўлди.

Бугунги кунда эса бу соҳада олдимизга янада муҳимроқ талаблар қўйилмоқда: “Ҳаётнинг ўзи ва халқнинг талаблари бизнинг олдимизга амалий ечимини топиши лозим бўлган янги ва янада мураккаб вазифаларни қўймоқда. Бу борада таълим олиш, маънавий-маърифий камолот масалалари ва ҳақиқий кадриятларни шакллантириш жараёнларига фаол қўмак берадиган муҳитни яратиш зарур. Бу ўринда гап жаҳон илм-фани ва адабиёти ютуқларини етказиш учун зарур муҳит ва шарт-шароит яратиш ҳақида бормоқда”⁴⁵. Президентимиз яна қайд этганларидек, биз

таълим ва тарбия тизимининг барча бўғинлари фаолиятини бугунги замон талаблари асосида такомиллаштиришни ўзимизнинг биринчи даражали вазифамиз деб биламиз.

Мустақиллик шарофати билан жаҳондаги миллий тиллардан ҳисобланган ўзбек тили ва уни тадқиқ этувчи ўзбек тилшунослик фани айни пайтда умумтилшуносликда юзага келган янги назариялар асосида равнақ топиб, ўз тараққиётининг йўлига жадал чиқиб бормоқда. Бу ўринда тилшуносликнинг синтактик муаммолари, жумладан, мураккаб синтактик қурилмалар (МСҚ) тадқиқи ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Тилшунослик фанида мураккаб синтактик қурилма (МСҚ) мавзуси азалдан муаммоли бўлиб келмоқда ва бугунги кунда ҳам унинг муаммолари кам деб бўлмайди. Бунинг асосий боиси шундаки, МСҚ фикр ифодаси ва синтактик шаклининг энг юқори ва мураккаб поғоналаридан бирини ташкил этади. Тилнинг конкрет қўлланилиши учун сўзларнинг бир-бири билан муносабати ва бу муносабатнинг конкрет равишда амалга оширилиши учун эса синтактик қурилманинг шаклланиши муҳим аҳамиятга эгадир. Шу сабабли ҳозирги тилшунослик фанида янги назария - синтактик деривация назарияси кашф этилди. Бу назария ўз моҳиятига кўра тилнинг ҳосила, яъни иккиламчи структураларини тадқиқ этиш ва натижада унинг нутқда қўлланилиши қонун-қоидаларини ўрганиш ва таҳдил этиш учун хизмат қилади⁴⁶.

⁴⁴ Каримов И. А. Миллий истиқлол мафқураси-халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир \\
«Фидокор» газетаси муҳбири саволларига жавоблар. –Тошкент: Ўзбекистон, 2000, 33-бет.

⁴⁵ Мирзиёев Ш.Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик-ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак.Вазирлар маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза,2017,14 январь. -Тошкент: Ўзбекистон, 2017.45-47-бетлар.

⁴⁶ Ғаффоров А.А. Ҳозирги ўзбек тилида парцелятив ва илова қурилмаларнинг синтактик деривацияси.



Синтактик деривация назариясининг кашф этилишига лексик деривация асос бўлди. Чунки тилшунослик фанида сўз ясалиши муаммосини ўрганишда лексик деривация назариясидан азалдан фойдаланиб келинган. Синтактик деривация назарияси 30-йилларда кашф этилган бўлишига қарамасдан, рус тилшунослигига ва у орқали ўзбек тилшунослигига 60 йилларда кириб келди. Хусусан, 1962 йилда поляк тилшуноси Ежи Куриловичнинг “Лексик деривация ва синтактик деривация” номли мақоласи рус тилида нашр этилгандан сўнг, бу соҳада рус тилшунослигида ҳам бирмунча ишлар қилинди⁴⁷.

Рус тилшунослигида И.П.Распопов, С.Н.Сичева, Л.Н.Мурзин кабиларнинг илмий тадқиқотларида ҳам “синтактик деривация” тушунчаси Е.Курилович таълимоти асосида ёритилди.

Синтактик деривация назариясининг ўзига хос услуб билан ёритилишини С.Д.Кацнельсонда кўришимиз мумкин. Унинг таълимотида синтактик деривация лексик деривациянинг замирида яратилиши қайд этилади ва қуйидагича таърифланади: “Агар деривация тил структурасининг бошқа сатҳларида тил элементларининг парадигматик қаторга қай тарзда ўринлашишини тақозо қилса, синтаксисда эса синтагматик механизм тарзида келиб, лисоний элементларнинг синтагматик қатордаги шаклланишини англатади”⁴⁸.

Юқоридагилардан ташқари шуни ҳам эслатиб ўтиш керакки, синтактик деривация муаммоси соҳасида бугунги кунга келиб, ўзбек тилшунослигида ҳам салмоқли илмий тадқиқот ишлари юзага келди. Н.Қ.Турниёзовнинг бу борада қилган қатор илмий ишлари бунга мисол бўла олади⁴⁹.

Номзодлик диссертацияси. – Самарқанд, 1997. 8-бет.

⁴⁷ Курилович Е. Деривация лексическая и деривация синтаксическая // Очерки по лингвистике. - М., 1962.

⁴⁸ Кацнельсон С.Д. Общее и типологическое языкознание. - Л., 1986. - С. 131.

⁴⁹ Турниязов Н.Қ. Синтаксическая деривация гипотаксиса в современном узбекском языке

Н.Қ.Турниёзов синтактик деривация назариясига юксак баҳо берганлигини кўрамиз: “...шуни ҳам ҳисобга олиш керакки, ҳар бир ҳосила синтагматик қаторда шаклланиши билан бирга, ўзида парадигматик ва синтагматик қаторларнинг кесишиши нуқтасини ҳам тақозо этади. Бу эса, ўз навбатида, синтактик деривация тил материалларининг нутқда қўлланилиши билан узвий алоқадор эканлигини яна бир марта намойиш этади”⁵⁰.

МСҚлар синтаксисини, шунингдек, МСҚларни ўрганиш хитой тили грамматикаси билан шуғулланувчи тилшунослар учун бугунги кунга келиб долзарб масалага айланмоқда. Таъкидлаш лозимки, хитой тилида МСҚларни ўрганиш билан бир қатор таниқли хитой олимлари шуғулланишган. Булардан Ван Ляои, Лю Шусян, Ю Янг Чун, Син Фу Нан, Син Фу И, Хи Ар Ши, Янг Баи Тюн, шунингдек рус хитойшунос олимлари В.И.Горелов, А.А.Драгунов, Е.Н.Драгунова, Т.П.Задоев, А.Ф.Котова, Е.И.Шутоваларнинг аксарият тадқиқот ишлари айнан ана шу масаланинг ечимига бағишланган. Хитой тилида МСҚларнинг бу босқичдаги тадқиқотлари натижаси сифатида МСҚлар таснифига тегишли умумқабул қилинган тугал фикр ҳозирги кунга қадар шаклланмаган. Чунки бу, синтаксис хитой тили грамматикасининг бошқа бўлимларига нисбатан хитойшунос олимлар эътиборини анча кечроқ тортгани билан боғлиқ. Хитой лингвистик анъаналари характериға мувофиқ узок давр давомида иероглифика, фонетика ва лексикологияларгагина эътибор қаратилган. Фақатгина XIX аср охирига келиб грамматика олимлар диққатини тортди. Аммо, изланишлар морфология ва содда гаплар доирасидагина амалга оширилди. XX асрнинг 40 йилларига келибгина атоқли тилшунос олим Лю

//Автореф.докт.дис. - М.,1985; Принципы формирования синтаксической структуры сложноподчиненного предложения в современном узбекском языке. - Ташкент, 1985 ва бошқалар.

⁵⁰ Турниёзов Н.Қ. Ўзбек тили деривацион синтаксисига кириш. -Самарқанд, 1990, 55-б.



Шусян ўзининг “Очерк грамматики китайского языка” (Хитой тили грамматикаси очерклари) номли асарида биринчи марта хитой тилида синтактик курилишнинг ўзига хослигини, сўз бирикмаси ва гапларда синтактик алоқа турларини тадқиқ қилган⁵¹. Айнан шу даврга келиб Ван Лининг “中国现代语法” номли асари чоп этилади. Унда олим сўз ва сўз бирикмаси атамаларини бир-биридан фарқлаш муаммоларини ечишга, синтактик курилмалар структураси ва турларини ўрганишга эътибор қаратган. Шундан бошлаб бу мавзуга яқин илмий ишлар юзага кела бошлади. Хитой тили синтаксисининг функционал, структур ва семантик жиҳатлари таҳлилига бағишланган тадқиқотлар шулар жумласига киради. Аммо, уларда ҳам тадқиқот объекти сифатида сўзлашув нутқи ва монопредикатив жумлаларни ўрганган синтактик курилмалар берилган. Шунини ҳам қайд этиш мумкинки, хитой олимлари томонидан хитой тили синтаксиси муаммоларини ўрганишда системали ёндашувнинг мавжуд эмаслиги яққол сезилади. Муаммоларнинг катта қатлами юзаки ўрганилган ёки умуман эътибордан четда қолган. Бу МСҚлар синтаксисига ҳам боғлиқ. Хитой тилшунослигида айнан МСҚларга бағишланган тадқиқотлар мавжуд бўлмаган, чунки МСҚлар алоҳида синтактик бирлик сифатида ажратилмаган. Хитой тили назариясини ўрганишда россиялик хитойшунос олимлар катта ҳисса қўшишган. Лекин уларнинг ҳам диққат марказида асосан морфология, лексикология, диалектология, хитой тили ривожланиш тарихига оид масалалар бўлган. Аммо билан синтаксисга умуман қўл урилмади дея олмаймиз. Қайд этилганлар билан бирга синтаксисга бағишланган ишлар ҳам мавжуд. Бу ишлар ҳақида гап кетганда, биринчи навбатда, В.И.Горелов (“Грамматика китайского

языка”, “Теоретическая грамматика китайского языка”) ва Е.И.Шутова (“Синтаксис современного китайского языка”) ларнинг ишларини айтиб ўтиш лозим. Шундай қилиб, МСҚлар ҳозирги хитой тили синтаксисининг энг қийин ва энг кам ўрганилган қатламларидан бири дейишимиз мумкин. МСҚлар хитой тилида алоҳида синтактик соҳа сифатида ўрганилмаганлиги учун уларнинг структураси, семантикаси, типологияси, турли бадий жанрлар ва нутқ услубларидаги стилистик функциялари ҳақида бир қатор муаммолар ўз ечимини кутмоқда.

Жаҳон тилшунослигида МСҚ талқинига бағишланган илмий монографик тадқиқотлар кўп бўлишига қарамай, бу соҳада ҳали ечилмаган жумбоқлар анчагина. Улар жумласига МСҚ таркибий қисмларининг номланиши, уларнинг туб структурага муносабати, пропозитив структураси таркибий қисмларининг ўзаро боғланишини таъминловчи грамматик ва экстралингвистик омилларнинг функционал салмоғини аниқлаш ва умуман МСҚ бирликларининг қўлланиши билан боғлиқ кўплаб мунозарали масалаларни киритиш мумкин.

МСҚни ташкил этган содда гаплар унга хос семантик, грамматик интонацион хусусиятларга эга: ана шу хусусиятлари билан улар мустақил қўлланувчи содда гаплардан ажралиб туради. Шунинг учун ҳам ҳар қандай содда гапларни бириктириб МСҚ ҳосил қилиш мумкин эмас. МСҚ таркибидаги содда гаплар икки хил алоқага киришиши мумкин: 1. Тенг алоқа

2. Тобе алоқа.

Грамматик жиҳатдан тенг алоқага киришувчи гаплар боғланган, яъни паратактик МСҚларни ташкил этади. Бири иккинчисига тобе бўлган гаплар эса гипотактик МСҚни ҳосил қилади. Тенг алоқада МСҚ қисмлари мазмунан нисбий мустақилликка ва синтактик жиҳатдан тенгликка эга бўлади. Гипотактик МСҚларда қўлланаётган гапларнинг бири иккинчисига мазмунан ва синтактик

⁵¹ Люй Шусян. Очерк грамматики китайского языка/ Люй Шусян. – В 2-х тт. – Т.1: Слово и предложение. – М.: Восточная литература, 1961. 266 с.



жиҳатдан ҳам тобе бўлади. Уларнинг бири иккинчисини изоҳлайди ва тўлдиради.

Профессор Р. Сайфуллаева таъкидлаганидек, МСҚ нинг энг нозик, кўз илғамас томонларини бундан ўттиз йилча олдин Ғ. Абдурахмонов ўз асарларида айтиб ўтганлар. Шунингдек, бу масаланинг ҳар хил томонлари, асосан, уларнинг семантик хусусиятлари М. Асқарова, Ф.С. Убайева, К. Назаров, С. Равшанова каби олимларимиз асарларида таҳлил этилган. Ўзбек тилшунослигида эргаш гапларнинг таснифи умуман бошқа тиллардаги эргаш гаплар таснифига яқин туради. Бу тасодифий эмас, албатта. Чунки эргаш гап назарияси қарийб барча тилларда узвий боғланган.

Эргаш гапли МСҚ лар синтактик шаклланишига кўра боғланган МСҚ лардан тубдан фарқ қилади. Чунки улар бош гапнинг ягона туб структурасига асосланади. Бу хилдаги МСҚ лар таркибий қисмларининг семантик ва синтактик муносабатлари ҳам тенглик асосига қурилмайди. Шунинг учун ҳам уларнинг бири ҳоким гап деб, иккинчиси эса тобе гап деб аталади. Тобе гап бош гапга тузилишига ва мазмунига кўра ҳам тобе бўлади.

Масалан,

你既然一定要走，我就不留你了⁵².

(Модомики, сен аниқ кетадиган бўлсанг, унда мен сени олиб қололмайман).

Келтирилган мисолда МСҚ нинг иккинчи қисми синтактик шакли ва семантик мавқеига кўра ҳоким гап эканлиги ўз-ўзидан кўриниб турибди. Шунинг учун МСҚ нинг умумий синтактик шакли ана шу ҳоким гапнинг талабига биноан, унга замон нуқтаи назаридан қўшимча изоҳ бериш учун юзага келмоқда.

Демак, тобе гапнинг ўз туб структураси бор бўлса-да, МСҚ умумий синтактик структурасининг шаклланишида бундай туб структура етакчи омил бўла олмайди. Унинг синтактик шаклланиши бош гапнинг талабига кўра юзага чиқади.

Бошқача айтганда, тобе гап ўзи учун эмас, бош гап учун шаклланади.

Гипотактик МСҚ лар таркибий қисмларининг ўзаро синтактик муносабати турли грамматик воситалар таъсирида юзага келади. Бу воситалар жумласига боғловчи сўзлар, нисбий олмошлар, шарт феълларининг шакли ва бошқа айрим грамматик элементлар киради.

Тобе гаплар таркибида бош ва иккинчи даражали бўлакларнинг мавжуд бўлиши, ёйиқ, йиғиқ бўлиши ва бошқа хусусиятлари билан МСҚ таркибига кирмаган содда гаплардан кам фарқланади.

Синтактик тадқиқот усулининг вужудга келиши эса шу вақтга қадар бўлган тадқиқот масалалари орқали пайқаш мумкин бўлмаган яширин ички ҳамда номоддий ҳодиса сифатида англанадиган, тасаввур этиладиган маъно узвларини объектив ёритишга катта ёрдам бермоқда. Бу эса, ўз навбатида, бугунги тилшунослигимиз олдида тадқиқ этилиши лозим бўлган кўпгина масалаларни қўймоқда.

⁵²外国人实用汉语语法。北京语言大学出版社。2007年，636页。



Фойдаланилган адабиётлар:

1. Каримов И. А. Миллий истиклол мафкураси- халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир \ «Фидокор» газетаси мухбири саволларига жавоблар. –Тошкент: Ўзбекистон, 2000, 33-бет.
2. Мирзиёев Ш. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Вазирлар маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза, 2017, 14 январь. -Тошкент: Ўзбекистон, 2017. 45-47-бетлар.
3. Мирзиёев Ш. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш-юрт тараққиёти ва фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. 2016, 7 декабрь-Тошкент: Ўзбекистон, 2017. 22-бет.
4. Кацнельсон С.Д. Общее и типологическое языкознание. -Л., 1986. -С. 131.
5. Курилович Е. Деривация лексическая и деривация синтаксическая//Очерки по лингвистике. -М., 1962.
6. Люй Шусян. Очерк грамматики китайского языка/ Люй Шусян. – В 2-х тт. – Т.1: Слово и предложение. – М.: Восточная литература, 1961. 266 с.
7. Турниязов Н.К. Синтаксическая деривация гипотаксиса в современном узбекском языке //Автореф. докт. дис. - М., 1985;
8. Турниязов Н.К. Принципы формирования синтаксической структуры сложноподчиненного предложения в современном узбекском языке. - Ташкент, 1985 ва бошқалар.
9. Турниёзов Н.Қ. Ўзбек тили деривацион синтаксисига кириш. -Самарқанд, 1990, 55-б.
10. Ғаффоров А.А. Ҳозирги ўзбек тилида парцелятив ва илова қурилмаларнинг синтактик деривацияси. Номзодлик диссертацияси. – Самарқанд, 1997. 8-бет.
11. 外国人实用汉语语法. 北京语言大学出版社. 2007 年, 636 页。

Неъматова Н. Некоторые суждения о сложно-синтаксических целых. В статье рассмотрены проблемы сложно-синтаксических целых и взгляды лингвистов на них. Наряду с этим, были приведены и собственные соображения по этому поводу.

Nematova N. Some considerations concerning complex syntactic constructions. The article considers the problems of complex syntactic integers and the views of linguists on them. Along with this, our own opinions on this issue were also given.



НЕМИС ТИЛИ ИЛОВА КОНСТРУКЦИЯСИ ТАРКИБИДАГИ ИЛОВАЛИ ЭЛЕМЕНТЛАРНИНГ СТИЛИСТИК ФУНКЦИЯЛАРИ

Мамасолиев Икром Убайдуллаевич,

Самарқанд давлат чет тиллар институти стажёр-тадқиқотчиси

Калит сўзлар: илова конструкция, иловали элемент, стилистик функция, матн, экспрессивлик, эмоционаллик, компонент, асосий ифода, стилистик фигура, лисоний бирлик.

Маълумки, стилистика фани тил элементларининг контекстдаги ифодали тасвир воситалари имкониятлари – стилистик функцияларини ёритиб беришга хизмат қилади. Стилистик функция тил воситаларининг матнда ифодали тасвир этиш имкониятларини намоён қилиш орқали амалга оширилади, бу ерда матн мантикий мазмунини етказиб бериш билан бирга унда экспрессив, эмоционал, эстетик ахборотнинг етказилиши, таъминланиши зарурлиги таъкидлаб ўтилади. Демак, стилистика тил воситалари бутун системасининг экспрессив хусусиятларини, мазкур матнда фикрлар ва ҳис-туйғуларни ифодалашда уларнинг фаоллиги ва ўзаро муносабатларини, матннинг китобхонга ғоявий таъсиридаги ролини тадқиқ қилади.

Ушбу мақола матн лисоний структураси асосида юзага келадиган стилистик функция ҳақида сўз юритилади, мазкур матнда ҳамма сатҳлар элементлари шакл ва мазмунга эга бўлган икки томонлама бирликлар сифатида ўзаро муносабатда бўладилар. Стилистик функцияни амалга оширишда лисоний бирликларнинг эмоционал, экспрессив ва баҳолаш коннотациялари катта роль ўйнайди.

Шу жиҳатдан қараганда, илова конструкциялар салмоқли бадий тасвир имкониятларига эга: улар жуда нозик маъно ва экспрессивлик хусусиятларини етказиб бериш қобилиятини намоён қилади. Масалан, илова конструкциялар ифодага алоҳида ўзига хос экспрессия (таъсирчанлик) – шиддат, кескинлик бериш имкониятини яратди. Масалан:

Manchmal bog sich ein Ast von dem Schnee. Und der rutschte dann zwischen den

schwarzblauen Zweigen zu. Und seufzte dabei. Ganz leise. Vorne mal links. Denn hier. Da auch. (Hofe Günter 1976, S. 273).

Илова конструкциялар ажратиб кўрсатилганлиги сабабли асосий ифоданинг бўлаклари (қисмлари)га қараганда кўпроқ маъно юкламасига эга бўлади. Шу ўринда илова конструкцияларнинг у ёки бу ёзувчиларнинг асарларида қўлланишининг ўзи стилистик ҳодиса эканлигини таъкидлаб ўтиш лозим. Шунингдек, илова конструкция таркибида келадиган иловали элементларнинг стилистик функциялари ҳақида олимларнинг фикр-мулоҳазаларини келтириш лозим, деб ҳисоблаймиз. Шу жиҳатдан А.Г. Семенованинг илмий хулосалари муҳим аҳамият касб этади, у илова конструкциялар таркибида келган иловали элементларнинг стилистик хусусиятларини тадқиқ қилиб, қуйидагиларни таъкидлаб ўтади: “Иловали элементлар – бу матн доирасидаги тушириб қолдирилган ва муҳим семантик салмоққа эга бўлган компонентларни қайта тикловчи стилистик фигуралардир” [Семенова 1983: 22].

Машҳур тилшунос Е.А. Реферовская Н.Г. Семенованинг ушбу фикр-мулоҳазаларини янада тўлдиради, у француз тили материаллари асосида илова конструкциясини ўрганиб, илова ҳодисаси ҳақида қуйидаги мулоҳазаларни келтиради: “илова ҳодисаси – бу ўз табиати билан стилистик ҳодисадир. Чунки француз ёзувчиларидан кўпчилиги ўз асарларида бу синтактик бирликлардан содир бўлган бу воқеа-ҳодисаларни китобхонга етказишда, уларнинг таъсирчанлигини, бадийлигини етказиб беришда кенг фойдаланганлар, бошқача



қилиб айтганда, бу ҳодиса кўринишлари Францияда содир бўлган иккала уруш арафасида яратилган француз адабиётидан кенг ўрин олган” [Реферовская 1983: 15-16].

Илова конструкциянинг компонентлари – иловали элементларнинг стилистик функциялари ҳақидаги фикр-мулоҳазаларни яна бошқа илмий-тадқиқот ишларида ҳам учратиш мумкин. Тадқиқотчи Г.В.Ким рус тили материаллари асосида ушбу ҳодисани тадқиқ қилиб, қуйидаги мулоҳазаларни билдирган: “Иловали элементлар матн доирасидан туширилиб қолдирилган компонентларни маълум бир қоида ёки норма талаби билан эмас, балки эркин ҳолатда тўлдириб келувчи омилдир” [Ким 1965: 168].

Г.В. Ким бу соҳадаги тадқиқотларини давом эттириб, оғзаки нутқ жараёнида ҳосил бўлаётган иловали элементлар ва ёзма нутқда қўлланадиган иловали элементларга эътибор қаратиш муҳимлигини таъкидлайди: “ёзма нутқда иловали элементлар кутилмаганда, тўсатдан фавқулодда пайдо бўлмасдан, балки аниқ стилистик мақсадни кўзлаб вужудга келади, ёзувчилар тасвирлаётган воқеа-ҳодисаларнинг таъсирчанлигини, экспрессив моҳиятини кучайтириш мақсадида ана шундай синтактик бирликларга мурожаат қилишга мажбур бўлишади” [Ким 1965: 171].

Кейинги йилларда немис тилшунослигида илова ҳодисаси синтактик алоқанинг ўзига хос тури [Турсунов 1993] эканлиги, немис ёзувчилари ижодида илова ҳодисаси [Ахмедова 1998], турли гап бўлаклари билан ифодаланган иловали элементларнинг функциялари [Бегматов 1999] масалалари бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб борилди. Илова конструкцияларининг стилистик ҳодиса эканлиги Б.М. Ахмедованинг “Лион Фейхтвангер ижодида илова ҳодисаси” номли [Ахмедова 1998: 187] номзодлик диссертациясида ўз ифодасини топди.

Немис ёзувчиси Л.Фейхтвангер асарлари устида Б.М. Ахмедова томонидан олиб борилган илмий кузатишлар

натижасида қуйидаги хулосаларга келинди: “... феъл кесим формаси ёрдамида ифодаланиб келган илова конструкциясидаги иловали элементларнинг ёйилиш даражаси ушбу соҳада мавжуд бўлган айрим хулосаларга қисман ўзгартириш, тўлдириш киритишга олиб келади. Демак, иловали элементларнинг қандай гап бўлаклари ёки гап турлари ёрдамида ифодаланиб келишидан қатъи назар, қай даражада ёйилиши фақатгина ёзувчининг индивидуал услуби билан белгиланади. Индивидуал услуб иловали элементларнинг юзага келишида таъсир қилувчи омиллар ичида асосий ва ҳал қилувчи ҳисобланади” [Ахмедова 1998: 165-166].

Юқорида билдирилган фикр-мулоҳазаларга таяниб, немис тилида илова конструкция таркибида келган иловали элементларнинг баъзи бир стилистик функциялари устида тўхталиб ўтамиз. Айтиш жоизки, иловали элементларнинг функциялари орасида стилистик функцияси алоҳида ўрин эгаллайди. Иловали элементлар ўзларига хос бўлган стилистик функцияларни ҳар хил шаклларда ҳосил қиладилар, матннинг хилма-хил композицияларда шаклланиб келиши учун асосий омил сифатида намоён бўлади.

Илова конструкция таркибидаги иловали элементларнинг стилистик функцияларини қуйидаги ҳолатларда кузатиш мумкин:

1. Иловали элементнинг конструкция охирида яқка ҳолда келиши:

“Entschuldigen Sie! Endymion war eine entscheidende Etappe für mich. Für meine Arbeit” (Krupkat Günter 1967: 79).

Ушбу мисолда берилган иловали элемент “Für meine Arbeit” ёрдамида бутун матнга, унинг мазмунига яқун ясалади, чунки иловали элемент томонидан билдириляётган қўшимча маъно қисқа ифодаланган бўлса ҳам мазмун салмоғи жиҳатидан жуда муҳимдир.

2. Баъзи ҳолларда илова конструкция таркибида айрим



компонентларнинг ўз ўрнида келмаслиги ёки тушириб қолдирилиши унинг стилистик функцияси янада таъсирчан бўлишини таъминлайди:

“Für etwas anderes” stieß Berndt hervor in Englisch und Deutsch, für was ganz anderes.

... eine andere Zukunft. ... unsere Kinder... (Engers Paul 1977: 43).

Ушбу мисолдан кўриниб турибдики, бирон-бир компонентнинг тушириб қолдирилиши илова конструкциянинг бошқа компонентлари маънолари билан доимо тўлдириб турилади.

3. Илова конструкция таркибидаги иловали элементларнинг турли маъно кучайтирувчи юкламалар (sogar) билан бошқарилиши стилистик хусусиятни намоён этади:

“Das ist nicht zum Lachen, mein Lieber. Da steckt was dahinter. Der Klub ist schon ganz verrufen. Sogar bei der Polizei” (Selbmann Fritz: 15).

4. Баъзи сўзларнинг такрорланиб келиши ҳам маълум стилистик вазифани бажариб келади:

“Nie zwar meinte sie ähnlich Schöne, in ihrem tiefen Dunkel so auf leuchtende Augen gesehen zu haben.

Nie eine solche Stirn. Nie eine so klangvolle, so unmittelbar zum Herzen sprechende Stimme” (Hofe Günter: 241).

Хулоса қилиб айтганда, келтирилган мисоллар шуни кўрсатадики, иловали элементларнинг стилистик функциялари илова конструкция таркибида соддалик, синонимлик, мураккаблашиш, кетма-кетлик каби муносабатларни ифодалаб қолмасдан, асар қаҳрамонларининг психологик ҳолатини, ҳис-туйғуларини, ички кечинмаларини, шодлик ва қайғулик кайфиятларини тасвирлашда муҳим роль ўйнайди. Иловали элементларнинг стилистик функциялари хилма-хил, ранг-баранг характерга эга бўлиши унинг бошқа функцияларини конкретлаштириб, тўлдириб, реаллаштириб келишга хизмат қилади.

Адабиётлар

1. Ахмедова Б.М. Лион Фейхтвангер ижодида илова ҳодисаси. Номзодлик диссертацияси.- Самарқанд. 1998 й. -187 б.
2. Валгина Н.С. Присоединительные конструкции в современном русском языке. М.: “Высшая школа”, 2004.
3. Ваулина Т.Л. Роль лексического повтора в присоединительных конструкциях. Наука – вуз – школа. Сб. научн. труд. молодых исследователей. –Магнитогорск: МаГУ, 2010. –Вып. 15. –с. 182-186.
4. Ким Г.В. О некоторых стилистических функциях бессоюзного присоединения. Филологический сборник. Вып. IV. Алма-Ата, 1965. –с. 168-175.
5. Крот О.Н., Рослякова Е.Ф. Присоединительные конструкции в современном немецком языке. Научные ведомости Белгородского университета кооперации, экономики и права. Серия гуманитарных наук. 2013. №20 (163). Выпуск 19. с. 105-110.
6. Мойсейчук Я.К. Синтаксические структуры актуализации в современных германских языках: на материале английской и немецкой диалогической речи. Автореф. дисс. канд. филол. наук. Санкт-Петербург 2004. -182 с.
7. Реферовская Е.А. Лингвистические исследования структуры текста. Л., 1983. -215 с.
8. Семенова Н.Г. Роль стилистического приёма “аллогического” присоединения в интеграции текста. Сб. научных трудов Мос. гос. пед. ин-та. ин. яз. им. М.Тореза. 1983. –с. 219-232.
9. Сидорова Е.Г. Место присоединительных предикативных конструкций в синтаксической системе современного русского языка. Вопросы филологии. Спецвыпуск: VI Междунар. Научн. Конф. “Язык, культура, общество”, 2011. –с. 18-19.



Бадий адабиётлар

1. Elgers Paul. Jungfrau Johanna. Zweiter Verlag und Epilog. Greifen Verlag zu Rudolstadt. 1977, -425 S.
2. Hofe Günter. Roter Schnee. Verlag der Nation. Berlin, 1976, -512 S.
3. Krupkat Günter. Als die Götter starben. Verlag Das neue Berlin, 1967, -287 S.
4. Selbmann Fritz. Die Söhne der Wölfe. Mitteldeutscher Verlag Halle (Saale), 1971, -597 S.

Мамасолиев И. Стилистические функции присоединительных элементов в составе присоединительных конструкций немецкого языка. Данная статья посвящена исследованию стилистических функций присоединительных элементов в составе присоединительной конструкции немецкого языка. Опираясь на результаты исследований ученых-языковедов в этой области, проанализированы некоторые стилистические функции присоединительных элементов в немецком языке на основе примеров из художественной литературы. В статье подчеркивается главенство стилистической функции среди прочих.

Mamasoliyev I. Stylistic functions of the connecting elements in the connecting structures of the German language. This article is devoted to the study of the stylistic functions of connecting elements in the connecting structure of the German language. Based on the research results of linguistic scholars in this sphere, some stylistic functions of connecting elements in the German language are analysed on the basis of examples from fiction. The main place of the stylistic function among other functions is emphasized.



ЎЗБЕК ТИЛИ СЎЗ ТУРКУМЛАРИ ТИЗИМИДА ЯДРО-ПЕРИФЕРИЯ МУНОСАБАТЛАРИ

Нормўминов Шерзод Тўйчиевич,

Самарқанд давлат университети ўқитувчиси

Калит сўзлар: сўз туркуми, парадигма, ядро-периферия, транспозиция, лексема, майдон, лисоний қолип, тасниф, лексик маъно, грамматик маъно.

Ўзбек тилшунослигида сўз туркумларини тадқиқ этишда ҳозирга қадар асосий эътибор сўз туркумлари таснифига қаратилиб келинганлиги, бошқа бир муҳим масала – сўз туркумларининг ўзаро муносабати, уларнинг кесишув нуқталари, яқинлашуви ва узоқлашуви кўпинча назардан четда қолишига олиб келди. Сўз туркумлари таркибидаги ядро ва перифериял қисмлар ва улар ўртасидаги муносабатлар масаласи ҳам шулар қаторида туради.

Р.Р.Сайфуллаева, Б.Р.Менглиев, Г.Х.Боқиева, М.М.Қурбонова, З.Қ.Юнусова, М.Қ.Абузаловалар муаллифлигида 2009 йилда нашр қилинган “Ҳозирги ўзбек тили” китобида ҳақли таъкидланганидек, “сўз туркуми сони ва таркибини аниқлашда дунё тилшунослигида бўлгани каби, ўзбек тилшунослигида ҳам, сўзларнинг семантик, морфологик ва синтактик хусусиятини инобатга олиш кенг тарқалган. Бироқ амалиётда сўз туркумларини ажратишда, асосан, уларнинг семантик хоссасига таяниш урф бўлган. Айрим тилшунослар томонидан таснифда маъновий белги бош ва ягона асос сифатида қаралади. Баъзилар эса мезон сифатида мазкур уч белгини тан олгани ҳолда сўзларни маъновий ва синтактик белгилари асосидагина гуруҳлашади. Сўз туркумларининг бир-бирига ўтиши, лексик ва лексик-грамматик омонимия масаласи эса бунда ҳар хил қарама-қаршилик ва иккиланишлар юзага келишига сабаб бўлади” [4. 168].

Марҳум проф. Ҳ.Ғ.Неъматов ўз вақтида бу масалага доир муаммоларга доир мулоҳазаларини билдириб ўтган эди: «Сўзнинг семантик, морфологик,

синтактик хусусиятларини бир белги сифатида қабул қилиб сўз туркумларини тасниф этганда, фақат мана шундай кичик лексик группалар қарама-қаршиликсиз ажратилиши мумкин ва бу группаларнинг оралиғида жойлашган (яъни бир хусусияти билан бир группага, иккинчи хусусияти билан иккинчи группага қирадиган) жуда кўп сўзларнинг ўрни тил системасида аниқ белгиланмасдан қолади. Шунинг учун лексик-грамматик омонимия ва транспозициянинг доираси ҳаддан ташқари кенгайтирилади. Бундай оралик ҳодисаларни ташкил этувчи бирликларни сунъий равишда у ёки бу группага жойлаштирмасдан уларнинг хусусиятларини изчиллик билан ўрганиб бориш тилни система сифатида ўрганишда катта аҳамиятга эгадир» [3. 29].

Бинобарин, сўзлар семантик, морфологик ва синтактик белгиси асосида тасниф қилиниши мақсадга мувофиқ. Зеро, сўз туркумининг лексемалари, авваламбор, маънолари бўйича бир-бири билан боғланган. Бу сўз туркумининг умумий маъноси грамматик бўла олмайди, чунки бир лексеманинг аъзолари турли хил грамматик мазмун-маънога эга. Нима бўлганда ҳам, сўз туркумининг мазмун-маъноси маълум типик грамматик маъно билан узвий боғлангани маълум. Сўз туркумининг умумий маъноси лексик ҳам бўла олмайди. Борди-ю, сўз туркумининг барча сўзлари бир хил лексик маънога эга бўлганда эди, улар бир лексемага бирлашган бўлишарди. Бироқ, сўз туркумининг маъноси бирлаштирувчи лексемаларнинг лексик маънолари билан узвий боғлиқдир.

Юқорида қайд этилганидек, сўз туркумлари гапдаги вазифаларига кўра ҳам



характерланади. От асосан, эга ёки тўлдирувчи вазифасида, феъл кесим вазифасида, сифат эса аниқловчи вазифасида ишлатилади. Сўз туркумлари ва гап қисмлари ўртасида қандайдир боғлиқлик мавжуд, бироқ бунда уларнинг типик синтактик вазифаси мавжудлигига қарамай, бунда мажбурийлик унсури оз.

Шундай қилиб сўз туркуми лексемалар синфи бўлиб, у қуйидаги тамойиллар асосида характерланади:

а) ўзининг лексик-грамматик маъносига кўра;

б) ўзининг лексик-грамматик морфемаларига (ясаиш қолипларига), ўзининг грамматик категориялари ёки парадигмаларига кўра;

в) гапдаги вазифасига кўра характерланади.

Биобарин, сўзлар ўзининг маъно, морфологик хусусиятлари ва синтактик вазифаларига кўра маълум бир сўз туркумига ажралади.

Хулоса қилиб айтиш лозимки, сўз туркумлари тил/нутқ дихотомиясининг асосий бирлиги ва оламнинг семиотик тизим бўлмиш тилдаги лисоний акси бўлган сўзларнинг асосий гуруҳлари бўлиб, улар:

а) умумий абстракт, категориал (лексик) маънонинг мавжудлиги;

б) туркумга хос бўлган маълум грамматик категориялар тизимининг мавжудлиги;

в) маълум синтактик вазифа(лар)га хосланганликнинг мавжудлиги;

г) сўз ва сўзшакл яшашнинг махсус тур ва усулларининг мавжудлигига кўра туркумларга ажралдилар.

Туркумлар ҳам бир текис, лексик, семантик, морфологик, синтактик, функционал хусусиятлари барқарор бўлган бирликлардан иборат эмас. Улар тасниф асосларига қўйилган параметрларнинг мавжудлиги/мавжуд эмаслигига кўра ядровий ва перифериал қисмларга ажралиши табиий.


Сўз туркумлари ядроси деганда ушбу туркумнинг барча таснифий

белгиларини (жумладан, семантик, функционал...) ўзида жамлаган сўзлар тушунилади. Периферияни эса сўз туркумига хос бўлган таснифий белгиларнинг бири мавжуд бўлмаган ёки ўша белги бошқача аҳамият касб этган сўзлар ташкил этади.

Сўз туркумларининг ҳар бириси аъзолари ичидаги ўша туркумнинг асосий семантик, морфологик, синтактик ва ясаиш усулига тўла мос келувчи бирликлар ўша сўз туркумининг ядросини ташкил этади, бу белгилардан баъзилари (кўпинча биттаси) нейтраллашган ёки йўқолган бирликлар эса перифериядан ўрин эгаллайди. Нейтраллаштирувчи белги, айтиш керакки, сўзни ўзи мансуб бўлган туркум таркибидан «чиқариб юборишга» асос бўлолмайди, тўғрироғи, сўзни ушбу туркумга хос ёки бегона эканлиги масаласида бетараф туради, у энди периферияга мансубиятнинг белгиси каби ҳукм суради.

Сўз туркумлари парадигмаси ҳамда алоҳида олинган туркумлар лисоний тизим ичидаги лексик-семантик майдон эканлиги эса, майдоннинг марказий ва перифериал қисмидан жой олган бирликлар ва тузилмалар мавжудлигини тақозо қилади. Ҳар қандай майдон эса бир-бирига зид ва айна пайтда бир-бирининг мавжудлигини тақозо қиладиган, уни майдоннинг маълум бир соҳасида “ушлаб турадиган” соҳалардан иборат бўлади. Сўз туркумларнинг ядровий ва перифериал соҳалари ана шундай микромайдонлардир.

Умуман олганда, ўзбек тили сўз туркумлари тизимида от ва феъл ядровий қисмни ташкил этса, бошқа сўз туркумлари, табиийки, сўз туркумлари парадигмаси ичида ва умуман, лисоний ва нутқий муносабатларда ҳам от ва феъл каби мавқега эга эмаслар, шунинг учун улар перифериядан ўрин эгаллайдилар. Ушбу фикрни қуйидаги чизма орқали ифодалаш мумкин.



Фойдаланилган адабиётлар:

1. Floridi, Luciano. Semantic Conceptions of Information. In Zalta, Edward N. (ed.). The Stanford Encyclopedia of Philosophy (Winter 2005 ed.). Metaphysics Research Lab, Stanford University, 2005 .

2. Гак В.Г. Француз тили назарий грамматикаси. Морфология. (Француз тили грамматикасини назарий ўрганишга кириш. Сўз туркумлари назарияси). Рус тилидан Ибодулла Мирзаев таржимаси. – Самарқанд: 2002, 108 бет

3.Неъматов Ҳ. Ғ. XI – XII асрлар ёзма ёдгорликлари тилида сўз туркумларининг тасниф асослари ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1973. – №6. – Б. 29.

4.Сайфуллаева Р.Р., Менглиев Б.Р., Боқиева Г.Ҳ., Қурбонова М.М., Юнусова З.Қ., Абузалова М.Қ. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Ўқув қўлланма. – Тошкент, 2006, 167-168- б.

5.Элтазаров Ж.Д. Ўзбек тилида сўз туркумлари парадигмасидаги ўзаро алоқа ва кўчиш ҳоллари. Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2006. -168 б.;

Нормуминов Ш. Отношения ядро-периферия в системе частей речи узбекского языка. В этой статье рассматриваются ядерные и периферийные области в системе частей речи узбекского языка, критерии их систематизации, а также различные толкования этого вопроса в узбекском языкознании до сегодняшнего времени.

Normuminov Sh. Nuclear and peripheral relations within parts of speech system in the Uzbek language. This article discusses the nuclear and peripheral areas in parts of the speech of the Uzbek language, their systematization criteria, as well as various interpretations related to these issues in Uzbek linguistics to date.



NOMA JANRINING VUJUDGA KELISHI VA TARAQQIYOTI

Muminova Dilorom Davronovna,
Samarqand davlat universiteti tadqiqotchisi

Kalit soʻzlar: noma, tadrijiy, epik, janr, epizm, sujet.

Noma janri (sheʼriy maktub shaklida yozilgan asar) ham shakliy jihatdan, ham mazmun jihatdan qadimiy boʻlib, uning namunalari bilan keyingi asrlarda yozilganlari oʻrtasida farq mavjud.

Noma janrida yozilgan qadimiy asarlardan biri ozarbayjonlik Avhadiddin Avhadiy (1274-1338)ning «Dahnoma»sidir. Mazkur asar 1306-1307-yillarda yozilgan, 525 baytdan iborat, muqaddima va oʻnta oshiqona maktublardan tashkil topgan. Bu maktublar oshiq va maʼshuqaning oʻzaro yozishmalaridan iborat boʻlib, ularda shoir ikki yoshning yurak toʻlqinlarini, iztiroblarini mahorat bilan tasvirlagan [Б.Валихўжаев, 1974].

Asarda qahramonlarning xatti-harakatlaridan koʻra, ularning ruhiy kechinmalarini ifoda etish yetakchilik qiladi. Shuning uchun ham Avhadiy oʻz asariga gʻazallarni kiritib, «Dahnoma»dagi ruhiy kechinmalarni yanada chuqurlashtiradi. Bu hol, xususan, oshiqning maʼshuqaga yozgan maktublarida va oshiq ruhiy dunyosining yoritilishida yorqinroq koʻrinadi. Shoir oshiqning oʻz sevgisiga sodiq ekanini:

Na yak dam dil chudomegardad az tu,

Na komi dil ravo megardad az tu [2],

maʼshuqaning sitamlariga qaramay, undan koʻngil uza olmasligini:

Tu xohi chavr kun, xohi malomat,

Ki mann tarkat nagoʻyam to qiyomat

deya tasvirlagan. Adabiyotshunos olim Gʻ.Begdeli aytganidek, Avhadiy maʼshuqa obrazini chizarkan, uni ojiza va itoatkor emas, balki oʻz erki va muhabbati yoʻlida kurashuvchi ayol sifatida tasvirlaydi [F.X. Бердели, 1962].

Avhadiyning «Dahnoma»siga oʻxshash nomalar fors-tojik, oʻzbek va ozarbayjon adabiyotlarida ham maydonga keldi. Jumladan, Avhadiy hayotligi vaqtida, 1322-yilda (ayrim manbalarda 1331-yil) fors-

tojik shoirlaridan Xoja Imomiddin Faqeh Kirmoniy (vafoti 1371-1372) oʻzining «Muhabbatnoma» asarini yozdi. Gʻ.Begdeli oʻzining Avhadiyga bagʻishlangan monografiyasida bu ikki muallif nomlarining oʻxshash tomonlari toʻgʻrisida oʻz mulohazalarini bayon etgan. U Xoja Imomiddin Faqeh Kirmoniy «Muhabbatnoma»sidan keyin ozarbayjon shoiri Xatoiyning «Dahnoma»si yozilgunga qadar (XVI asr) boʻlgan davr oʻrtasida yaratilgan nomalar haqida, afsuski, hech narsa demaydi. Vaholanki, xuddi ana shu davrda – XIV va XV asrlarda, fors-tojik adabiyotida ham, oʻzbek adabiyoti tarixida ham shunday tipdagi nomalar maydonga kelib, keng taraqqiy etdi. Bu jihatdan shoir Xoja Imomiddin Kirmoniyning «Muhabbatnoma», XIV-XV asrlarda yashagan Shamsiddin Muhammad Kotibiyning «Si noma», oʻzbek adabiyoti namoyandalari Xorazmiyning «Muhabbatnoma», Xoʻjandiyning «Latofatnoma», Amiriyning «Dahnoma» kabi asarlari diqqatga sazovordir.

Oʻzbek mumtoz adabiyotida bu janrning ilk namunasini shoir Xorazmiy yaratdi. Uning 1353-yilda yaratilgan «Muhabbatnoma» asari oʻzbek dunyoviy adabiyotining ishq-sevgisini sharaflagan ilk yirik asarlardan biri boʻlib, unda oshiqning maʼshuqaga boʻlgan otashin sevgisi, uning bu yoʻlda chekkan iztiroblari tasviridan iborat.

«Muhabbatnoma» turli sheʼriy janrlarni – noma, masnaviy, gʻazal, qitʼa, soqiynoma, fard kabi janrlarni oʻz ichiga olgan. Biroq undagi yetakchi janr nomadir. Noma masnaviy usulida qofiyalanadi:

Soching bir torina bir hur etmas,

Yuzungni nurina ming nur etmas.

Agar bersa suyurgʻab Haq taolo,

Kerakmas sensizin firdavsi aʼlo

[Муборак мактублар, 1987].



Keyingi davrlarda noma janri mazmun va janr jihatidan takomillasha bordi. Bunday o'zgarish Xorazmiy asarida, xususan, XIV asrning oxiri va XV-XVI asrlarda fors-tojik, o'zbek va ozarbayjon adabiyotlarida yaratilgan nomalarda ko'zga tashlanib turadi. Bu o'rinda shuni ham ta'kidlash kerakki, bu davrda nomachilikda ikki uslub – biri Avhadiy va Xorazmiylar uslubi, ya'ni lirik planda yozilgan nomalar (masalan, Xo'jandiyning «Latofatnoma», Sayid Ahmad ibn Mironshohning «Taashshuqnoma») hamda liro-epik xarakterga ega bo'lgan nomalar (Amiriyning «Dahnoma», Xatoiyning «Dahnoma»lari) maydonga keldi.

Amiriyning «Dahnoma»si 1429-1430-yillar (hijriy 833-yil) da Shohruhning o'g'li ma'rifatparvar Boysung'ur Mirzoga bag'ishlab yozilgan. Muallif oshiq va ma'shuqa nomalarini bir sujet chizig'ishga kiritib, ikki yoshning ichki kechinmalarini tasvirlaydi. Bundan tashqari asarda lirik tasvir bilan epik tasvir o'zaro qorishib ketib, yangi xarakterdagi noma yuzaga keladi. «Dahnoma»da keltirilgan nomalar ma'lum ma'noda oshiq uchun ham, mahbuba uchun ham sinov vositasiga aylanadi. Bu nomalar orqali ular o'rtasidagi sadoqat va samimiyat ifodalanadi. Mahbuba oshiqning nomalari orqali uning samimiyatiga ishongach, ko'rishishga rozilik beradi. Xorazmiy «Muhabbatnoma»sidagi nomalar faqat oshiqning ma'shuqaga yozgan she'riy maktublari xarakterini olib, oshiqning kayfiyati va ishq yo'lidagi kuyishlariga ma'shuqa munosabati ko'rsatilmagan bo'lsa, Amiriy «Dahnoma»sida Avhadiyda bo'lgani kabi ma'shuqaning oshiqqa bo'lgan munosabati hayajon bilan bayon etiladi. Shu jihatdan qaraganda Amiriy o'zining «Dahnoma»sida lirik tasvirda Xorazmiy «Muhabbatnoma»sidan ilhomlansa, epik tasvirni kuchaytirishda Avhadiy an'anasini davom ettirib, o'ziga xos asar yaratadi.

XVI asr ozarbayjon shoiri Xatoiyning «Dahnoma»sida bu an'ananing davom ettirilganini ko'ramiz. Xatoiy Shoh Ismoil Safaviyning (1486-1524) adabiy taxallusi bo'lib, u birqancha asarlar yozgan. Professor Hamid Arasli Xatoiyning hayoti va faoliyatini

batafsil yoritib, uning «Dahnoma»sini nashr ettirgan.

Xatoiyning «Dahnoma»si Hamid Arasli qayd etganidek, ozarbayjon adabiyoti tarixidagi ilk masnaviylardandir. U ozarbayjon tilida yozilgan bo'lib, XVI asr boshlaridagi til xususiyatlarini o'rganishda muhim ahamiyatga ega. Mazkur asarning maydonga kelishida XV asrning ikkinchi yarmida Hirotidagi adabiy harakatning, o'sha davrdagi o'zbek adabiyoti vakillari ijodining ma'lum ta'siri borligini ta'kidlamochimiz. Chunki unda til va tasvir xususiyatlari jihatidan Amiriy, Navoiy va shu kabi o'zbek shoirlari asarlari ta'sirini eslatuvchi faktlar mavjud. Masalan, Navoiy asarlarida ko'p ishlatiladigan mag'bun, dastgir, rafiqli, infiol, malol, giryon-u hazor sina biryon, nag'ma og'oz etmak, kofura qorushdi mashk-u anbar kabi so'z va iboralardan tashqari Alisher Navoiy asarlaridagi baytlarga o'xshash misralar ham ko'zga tashlanadi. Masalan, Alisher Navoiy o'zining «Layli va Majnun» dostonida Navfal haqida shunday yozadi:

Navfal dag'i ishq ko'rgan erdi.

G'am dashti aro yugurgan erdi.

Xatoiy o'zining «Dahnoma»sidagi bog'bon haqida shunday yozadi:

Bir ol dæxi ashig ulmish imish,

Eshgin hunæri bilmish emish

[Б.Валихўжаев, 1974].

Xatoiy asarida bunday holning bo'lishi bejiz emas. Chunki u shoh sifatida yurishlar qilgan vaqtda 1510-1511-yillar orasida Hirot, Marv va Balx shaharlari bilan birga Xurosonni ham o'z territoriyasiga qo'shib olgan edi. Ma'lumki, bundan oldin, ya'ni Xatoiy - Ismoil Safaviyning yurishlaridan 10-12 yil ilgari bu joylarda, xususan, Hirotida Alisher Navoiy boshchilik qilgan kuchli adabiy muhit mavjud edi. Shoh Ismoil Safaviy Hirotga kelganida bu muhitning shuhrati, ovozi hali so'nmagandi, balki keng tarqalgandi. Shu bilan bir qatorda, 1508-1509-yillar (hijriy 914-yil) da hirotlik kotib mashhur o'zbek shoirlari Xorazmiy, Xo'jandiy, Lutfiy, Navoiy, Amiriy, Haydar Xorazmiy va boshqalarning doston, noma va munozaralarini go'zal nastaliq xati bilan bir bayoz qilib ko'chirgan edi [Britaniya muzeyida A 7914 inventar].



O'n to'rt kitobdan iborat bo'lgan mazkur bayozning Xatoiyga ma'lum bo'lmashligi mumkin emas. U ehtimol shu kitobni ham mutolaa qilgandir. Shu sabab Xatoiy asarida o'zbek adabiyotida, jumladan, Amiriy «Dahnoma»sining ta'siri, bizningcha, shak-shubhasiz. Bu ta'sir, avvalo, nomada epizmning kuchayishida, qahramonlarning ruhiy holatini bayon etishda muhim o'rin egallagani sezilib turadi. O'zbek shoiri Amiriy «Dahnoma»ni yozayotganda Avhadiy va Xorazmiy nomachiligi an'anasiga ijodiy yondashganidek, ozarbayjonlik Xatoiy ham Amiriy «Dahnoma»si an'alariga ijodiy yondashib, nomachilikning yanada mukammallashtiruviga o'z hissasini qo'shgan. Bu hol eng avvalo shunda ko'rinadiki, Xatoiy «Dahnoma»sini ishq dardiga yo'liqmagan odamning tushida go'zal ma'shuqani ko'rib, unga oshiq bo'lib qolishidan boshlaydi. So'ngra oshiq mahbusining daragini hotifdan eshitib, parilar bog'iga boradi, u yerda mahbusining dugonalari bilan o'tirganini ko'rib qoladi. Shu vaqt bog'bon yetib kelib, uning kimligini bilgach, mahbusaga erishish uchun Saboni axtarib topishni maslahat beradi. Oshiq Saboni axtara boshlaydi. Nihoyat uni topib, o'z ahvolini bildirgach, Sabo unga yordam berajagini, buning uchun u ma'shuqaga noma yozishi kerakligini aytadi. Oshiq noma yozgach, Sabo ertalab uni ma'shuqa oldiga olib boradi. Boqqa yetgach, bog'bonni uchratadi, u Saboning kelganini ma'shuqaga bildirib, nomani ham beradi. Ma'shuqa nomani olib achchig'lanadi va uni yirtadi. Bog'bon va Saboni esa koyiydi, oshiqning unga munosib emasligini yetkazishni Saboga topshiradi. Sabo oshiq yoniga g'amgin kelib, voqeani bayon etadi. Oshiq unga minnatdorchilik izhor etadi va yana nomasini yetkazishni iltimos qiladi. Ma'shuqa nomani olib, yana oshiqqa parvo qilmaydi. Saboni esa bandga solib qo'yadi. So'ng oshiq yana noma yozib, uni o'zi yuboradi. Ma'shuqa nomani olib

oshiqni koyiydi va unga javob yozadi. Shunday qilib, oshiq o'z ma'shuqasiga uch marta noma yuboradi. Nihoyat ma'shuqa uchinchi marta noma olganidan keyin ko'ngli yumshab, oshiq ahvolini so'ray boshlaydi. Saboni ozod qiladi, oshiq bilan ko'rishishga rozilik beradi. Sabo xursandlik va minnatdorlik bayon qilingan nomani ma'shuqaga olib boradi. So'ng ular uchrashadi va visol damining egzu kayfiyatlari bilan yashashadi. Shundan so'ng mahbuba o'zidan yodgor qoldirib ketadi va bu bilan asar tugallanadi. Ko'rinadiki, Xatoiy «Dahnoma»sida epizm kuchaygan bo'lib, unga Sabo, bog'bon obrazlari kiritiladi va ular ijodiy fazilatlar egasi sifatida tasvirlanadi.

Xulosa qilib aytganda she'riy maktub – noma janri, avvalo, lirik xarakterga ega bo'lsa, keyinchalik unda epizm kuchayib, ishqiy-romantik doston darajasiga, aniq sujet chizig'i, obrazlar sistemasi va ularning o'zaro munosabati mavjud bo'lgan asar darajasiga ko'tariladi. Nomalarning mukammallashtiruviga ozarbayjon va o'zbek adabiyoti vakillarining xizmati katta. Chunki ozarbayjon adabiyotining yirik namoyandasi Avhadiy «Dahnoma»sining an'anasini o'zbek shoiri Amiriy tomonidan rivojlantirilganday, o'zbek shoiri Amiriy «Dahnoma»sidagi xususiyatlar ozarbayjonlik Xatoiy tomonidan yanada mukammallashtirildi. Filologiya fanlari doktori A.Rustamov Amiriy va Fuzuliy asarlari («Bang va Chog'ir orasida munozara», «Bang-u boda») o'rtasidagi aloqa va munosabat haqida muhim fikrlar bayon etgan bo'lsa-da, bu ikki shoir o'rtasidagi ijodiy hamkorlik to'g'risida nima uchundir so'z yuritmaydi. Bunday hol G.Begdelining «Avhadiy» monografiyasida ham seziladi. Vaholanki, adabiy aloqalar ozarbayjon va o'zbek adabiyotlari o'rtasidagi ijodiy hamkorlik tarixini yanada yoritadi va uning yangi-yangi sahifalarini ochadi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Валихўжаев Б. Ўзбек эпик поэзияси тарихидан. - Тошкент, Фан, 1974. 13 – 18 б.
2. Ғулом Ҳусен Бегдели. Авҳадий. Баку, 1962. 92 - 104 б.



3. Муборак мактублар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1987. 17.

4. Britaniya muzeyida A 7914 inventari bilan saqlanadi. Asar shu bayozning 227 b – 272 a varaqlarida joylashgan.

Muminova D. Forming and development of the genre letter writing. The article gives a brief overview of the formation and development of the noma (message) genre. It is also analyzes important poetic aspects of the traditions of epistolary genre in Persian-Tajik, Uzbek and Azerbaijani poetry.

Муминова Д. Происхождение и развитие эпистолярного жанра в поэзии. В статье дается краткий обзор становления и развития жанра «нома» (послание). В ней также анализируются важные поэтические аспекты традиций эпистолярного жанра в персидско – таджикской, узбекской и азербейджанской поэзии.



ШЕКСПИР СОНЕТЛАРИНИНГ СИРИ ВА БАДИЙ ХУСУСИЯТИ

Бўриева Наргиза Кўчқаровна,

Жиззах давлат педагогика институти мустақил тадқиқотчиси

Калит сўзлар: Уйғониш даври, сонетлар, семантик ноаниқликлар, композиция, драматургия, автобиографик масала, таққослаш, воқелик.

"Евфорбнинг руҳи Пифагорда яшаганига ишонишганидек, Овидийнинг ширин ва самимий руҳи Шекспирнинг ширин овозида ва хуштаб сонетида яшайди. Бу "Венера ва Адонис", "Лукреция", шахсий дўстларига яхши таниш бўлган хуштаб сонетлари" дан далолат беради. 1598 йилда Шекспирнинг замондоши Франсис Мерез у ҳақида юқоридагиларни ёзган. У қуйидагиларни кўшиб қўйди: "Эпий Столо айтганидек, агар илҳом парилари лотин тилини билганда, улар Плавта тилида гаплашардилар, шунинг учун мен агар илҳом парилари инглиз тилини билганда, улар Шекспирнинг нафис иборалари билан сўзлашарди" [7,194].

Ушбу шарҳлар ўз даврида яшаган адабиётшунос олимлар Шекспирнинг шеъриятига қандай муносабатда бўлишига шубҳа қолдирмайди. Улар Шекспирни антик даврнинг буюк ёзувчиларига ўхшатишган. Уйғониш даврида антиклик санъати энг олий намунага эга бўлганида, бундан-да катта мақтовни ихтиро қилиб бўлмайди [1,194].

Мерез Сонетлар ҳақида улар чоп этилишидан олдин ёзган. У уларни Шекспирнинг дўстлари томонидан ёзилган рўйхатлардан билар эди. 1609 йилда ношир Томас Торп "Шекспир Сонетлари. Ҳеч қачон олдин нашр этилмаган" деб номланган тўпламни нашр этди. Кўринишидан, бу ноқонуний нашр, яъни муаллифнинг розилигисиз чиқарилган нашр. Шекспирнинг ҳаёти давомида "Сонетлар" қайтиб босмадан чиқмади. Эҳтимол, унинг ўзи биз учун номаълум сабабларга кўра буни хоҳламаган.

1623 йилда Шекспирнинг дўстлари унинг драматик асарларининг биринчи тўпламини нашр этишди. "Сонетлар" унга

киритилмаган. Фақат 1640 йилда шоир Жон Бенсон ўзининг янги нашрини чиқарди. Бенсон ўқувчиларга мурожаатида Шекспир асарлари орасида "Сонетлар" спектаклларга қараганда кам муваффақият қозонганини таъкидлайди. У ёзганидек, улар Шекспир яратган бошқа асарлари каби улуғворликка эришмади". Бенсон Сонетларнинг нисбий машҳур эмаслиги сабабига ҳам тўхталиб ўтди. Шекспирнинг сўзлари ҳали ҳам Уйғониш даврининг гуманистик дунёқараши руҳига сингиб кетган. Шу билан бирга, XVII асрнинг бошларида шеъриятда янги йўналиш пайдо бўлди, унинг энг катта вакили Жон Донн эди. Донн Уйғониш даври кўшиқлари анъаналарини қатъий равишда бузди. Унинг шеърияти буюк итальян шоири Петрарка томонидан яратилган қолипга риоя қилган ҳолда сонетларга хос бўлган мукаммалликдан мутлақо маҳрумдир. Доннинг услуби мураккаб эди. У жуда кутилмаган таққослашларга мурожаат қилди. Шекспирнинг "Сонетлар"и содда ва ҳар қандай ҳолатда ҳам анъанавий руҳда ёзилган.

Бенсон Шекспирнинг шеърий асарларини тасвирлаб берганини бизга тушунтиради: "Уларни ўқиб чиққач, улар тоза, равшан ва нафис соддалиги билан ажралиб туришини кўрасиз. Уларнинг олижаноб оҳанглари завқлантиради ва онгингизни чарчатмайди. Боши берк кўчага олиб келадиган чалкаш ёки ноаниқ таркиб йўқ. Аксинча, сиз бу ерда сизни ҳайратга соладиган мақтовни уйғотадиган ёрқин нотикликни топасиз" [6,324].

Бироқ Жон Бенсон Жон Донга суянган ўқувчиларнинг дидини ва унга яқин бўлган метафизик мактаб шеъриятини бузмади. XVII аср ўрталарида



бундай шеърият Шекспирга қараганда анча муваффақиятли бўлган.

1660 йилдан кейин инглиз адабиётида шеъриятни қатъий рационалистик тушуниш билан классицизм пайдо бўлди. Кейин нафақат Шекспир, балки Жон Донн ҳам урфдан чиқиб кетди. Инглиз ёзувчилари энди француз классикларидан андоза олар эди.

XVII асрнинг иккинчи ярмидаги инглиз ёзувчиларининг энг йирик намоёндаси Жон Драйден адабиётда яхши томонга ўзгаришлар бўлганини таъкидлади. Ўзининг “Драматик Поэзия тажрибаси” (Of Dramatick Poesy, An Essay, 1668 [4,103]) асарида Драйден Шекспир тилининг носимметриклигини таъкидлаб ўтди: “Ҳеч бир ёзувчи Шекспирдек бундай фикрлар баландлигидан, жуда паст ифодаларга тушмаган [6,57]. Шекспир ва Флетчернинг асарларини диққат билан ўқиб чиқиб, ҳар бир саҳифада Драйденнинг фикрига кўра, нотўғри грамматик бурилишлар ва семантик ноаниқликлар топилади. “Шекспир баъзан ҳар қандай тилда ёзган барча шоирлардан устун туради, лекин у ҳар доим ҳам ақлли ёзмайди ва ҳар доим ҳам мавзунинг аҳамиятига кўра ўз фикрларини ифода этмайди. Баъзан у ҳозирги ёки ўтган асрнинг энг ёмон ёзувчисидан ҳам ёмон ёзади” [6,325]. Бу Шекспир драматургиясининг тили ҳақида айтилган, аммо, бу унинг шеърий асарларига нисбатан муносабатга ҳам тўла мос эди.

XVIII асрнинг бошларида Шекспир драматургиясига қизиқиш уйғонди. “Сонетлар” ва шеърлар ҳали ҳам ўз ўқувчиларини топа олмайди. XVIII асрда Шекспир ҳақидаги энг яхши мутахассислардан бири Жорж Стивенснинг фикри далолат беради [2,18]. 1793 йилда Шекспир композицияларини нашр этаётганда, у ўзининг кириш сўзида шундай ёзади: “Биз Шекспир Сонетлари “ва бошқа лирик асарларини қайта нашр этмадик, чунки ҳатто энг қатъий парламент тартиблари ҳам китобхонларни уларнинг фойдасига маъқулламас эди ... Агар Шекспир бу асарлардан бошқа бирон нарсга ёзмаганида эди, унинг исми ҳам

энди кекса ва жуда нафис сонетчи Томас Вотсоннинг исмидек эсланмасди” [6,325].

Стивенс, адабиётшунос олимлар сингари, шеърий сезгирликка эга эмас эди. Акс ҳолда, у инглиз адабиётида диднинг янги бурилиши бошланганини билган бўлар эди. Бир неча йил ўтгач, романтизм юзага келди. Шекспир романтиклар учун классицизмга қарши кураш байроғига айланди.

Самуел Тейлор Колеридж 1810-1811 йилларда Шекспир ҳақидаги маърузаларида Шекспирда биринчи навбатда шоирни кўриш керак, деб таъкидлади. Шекспирнинг драматургияси аниқ шеърияти туфайли муҳимдир. Колериджнинг сўзларига кўра, “Шекспирда, шоирга хос белгиларнинг ҳаммаси бўлмаса ҳам, унда асосий фазилатлар мужассам бўлган, яъни - гўзалликнинг ташқи кўринишини идрок этиш қобилияти ва гўзалликни ёқимли оҳангда тинглаб англашнинг чуқур фазилатлари бор эди” [3,42].

Бошқа бир романтик шоир Жон Китс 1817 йилда бир дўстига шундай деб ёзади: “Мен учта китобни ўзим билан олиб кетдим, шулардан бири Шекспир лирикаси эди. “Мен ҳеч қачон Сонетда шунча кўп гўзалликни топмаганман, улар беҳосдан айтилганидек ва шеърий образларнинг чуқурлигида фарқ қилган жуда ажойиб нарсаларга бой” [6,320].

Романтиклар Шекспир шеъриятини қайта тикладилар. Улардан кейин ҳеч ким Сонетнинг бадиий аҳамиятига шубҳа қилмади. Уларни чуқур ўрганиш бошланди. Хусусан, шоирнинг шахсий кечинмалари садолари акс эттирилган “Сонетлар” мотивлари катта эътиборни тортди. Улар Шекспирнинг сирли ҳаётининг аксини излай бошладилар.

Ҳозирги кунда “Сонетлар” мутахассисларнинг ва кенг китобхонларнинг фикрига кўра Шекспирнинг энг яхши драматик асарлари қаторида туришга лойиқ деб топилди. Улар кеч Уйғониш даври шеъриятининг энг катта ҳодисаларига тегишли.

Сўнгги юз йил ичида сонетларга бағишланган танқидий адабиётлар



гайриоддий даражада ўсди. Сонетларга бағишланган тадқиқотлар сони бўйича "Сонетлар", эҳтимол "Гамлет" дан кейин иккинчи ўринда туради. Шекспирнинг буюк фожиасини унинг энг яхши шеърий ижоди билан таққослаш табиийдир. Бу ерда ҳам, жуда кўп сирлар бор. Сонетлар билан боғлиқ бир нечта мураккаб муаммолар мавжуд, уларнинг баъзилари ечиб бўлмайдиган кўринади.

Тадқиқотчиларнинг таъкидлашича: сонетни автобиографик деб ҳисоблаш мумкинми ва агар шундай бўлса, унда кимлар: ёш дўст, қора танли севгилиси ва рақиб шоир.

Бу борада кўплаб фикрлар мавжуд. Аксарият олимларнинг фикрига кўра, сонетда мурожаат қилган дўст ё Генрих Ризли, граф Саутгемптон ёки граф Уиллям Герберт Пемброк. Т. Тайлернинг сўзларига кўра, сирли қора танли қиз Пемброкнинг севгилиси - Мери Фиттон бўлиши мумкин. Деярли барча тадқиқотчилар рақиб шоир Жорж Чапман эканлигига ишонишган. Бироқ, тарихчи А.Л.Раус, Шекспирни замондоши, шоир ва драматург Кристофер Марлога рақиб сифатида қабул қилиш эҳтимоли кўпроқ, деган фикрни билдирди [8,175]. У Сонетдаги қора танли хоним Ланиерга турмушга чиққан италиялик мусиқачи Эмилия Бассано бўлганлигини тахмин қилади [9,102].

Тахминларнинг қайси бири тўғри эканлигини айтиш мушкулдир. Ушбу муаммоларни ҳал қилиш учун ҳужжатли далиллар етарли эмас. Тўғриси, охир-оқибат, Шекспирнинг мисралари кимга қаратилганлиги муҳим эмас. Балки бошқа бир нарсa муҳимроқ: Шекспирнинг ҳаётий воқеалари ва шахсий ҳаёти умуман сонетларда акс этдими? Бунга жавоб бериш осон эмас. Агар Шекспирнинг драматик фаолияти батафсил тикланган бўлса ва унинг Лондондаги театр оламини деярли барча йўллари кузатиш мумкин бўлса-да, уларда Шекспирнинг сирли шахсий ҳаёти ҳақида ҳеч нарсa маълум эмас. Шекспирнинг шахсий ҳаётини қамраб олган зич пардани очган мактублар, кундаликлар ва хотиралар

сакланиб қолинмаган. Шекспир шеъриятининг автобиографик масаласини бошқа буюк шоирлар ҳақида биз билган нарсалар билан таққослаш орқалигина ҳал қилиш мумкин.

Шеърият ҳар доим ҳақиқатни бадиий умумлаштириш воситаси бўлиб келган. Ўн тўққизинчи аср бошидаги романтиканинг энг самимий кўринишлари ҳам мутлақо очиқ эмас, чунки улар ўқувчилар учун содда туюлади. Байрон шеърлари билан айтганда, шоирнинг шахсий ҳаётини тиклашга ҳаракат қилган одам адашади. Табиийки, Байрон аёлларга бўлган муносабатини ўзининг нуқтаи назари билан тавсифлади. У шеърларида ҳаётга оид ўзига хос фикрни баён қилиш учун мавжуд далилларни қайта кўриб чиқди. Ва бу асосий нарсa.

Рассом ҳар доим моделни ўзгартиради. Шоирлар ҳам шундай йўл тутadi, аммо "конспирация" сабабларига кўра эмас. Шахсий тажрибалар ижодкорлик учун туртки бўлиб хизмат қилади, лекин шоирнинг барча ёзганлари ҳаётидаги бирон-бир воқеа билан боғлиқликни тўлиқ изоҳлашдан узоқдир.

Бунинг сабаби шоирларнинг носамимийлигида эмас. Бу шуни англатадики, улар шеърда мемуарлар ёзмайдилар, лекин, шахсий тажриба орқали ҳаётнинг муҳим томонларини очишга интиладиган шеърий асарлар яратадилар. Шу маънода, шеърият ҳар доим қисман автобиографикдир, аммо, шоирлар орасида шахсият даражаси фарқ қилади. Тасаввур қилиш ҳар доим шоирларни ҳақиқатни воқеликдан устун қўйишга, баъзан эса унинг аҳамиятини аслидан ҳам кўпроқ оширишга, энг муҳими, уни бой бадиий тасаввурнинг барча ранглари билан гуллатишга ундайди. Гёте бу ҳақда жуда аниқ айтган: "... шеърият қирғоқдан денгизга узилиб чиқиб кетиши керак бўлган кемага ўхшайди, очиқ денгизга етиб ва шундан кейингина барча елканларни жойлаштириш даркор" [11,428].

Шекспирнинг интим ҳаётини очиб берадиган ҳар қандай нарсани қидириш биз учун қанчалик қизиқарли бўлмасин,



Шекспирни шоир сифатида тушуниш вазифаси янада қизиқарли. Ушбу йўлда янада ишончли натижаларга эришиш мумкин. Бироқ, огоҳлантириш керак - бу йўл ҳам осон эмас.

Сонет ўқувчиларини қизиқтирадиган барча мумкин бўлган лингвистик, биографик, психологик, шеърӣй жиҳатлар ичида, менимча, оҳиргисида тўхташ жуда муҳимдир. "Сонетлар" ни тушунишда асосий қийинчиликлар уларнинг тили архаиклиги ва жумлаларнинг грамматик тузилиши баъзан замонавий англиз меъёрларидан узоқ эканлиги билан боғлиқ эмас. Шарҳлар буни аниқлашга ёрдам беради. Ҳозирги ўқувчи учун асосий қийинчиликлар "Сонетлар" шеърӣй шакли билан боғлиқ.

Баъзи ўқувчилар учун Шекспир ибтидоий шеърӣятнинг бошида турган эски шоирга ўхшаб кўриниши мумкин. Унинг ўзи ва замондошлари ўзларига бундай қарашмаган. Улар ўзларини қадимги Юнонистонга бориб тақаладиган қадимий шеърӣй анъананинг меросхўрлари деб ҳисоблашган [5,43]. Шекспир даврига келиб, Европа шеърӣяти камида икки минг йиллик даврни ташкил этган. Кўплаб шеърӣй асарлар антик даврлардан сақланиб қолмаган бўлса-да, қадимий шеърӣятнинг ғоят юксак маҳоратига ишонч ҳосил қилиш учун улар етарли эди. Бой шеърӣят Ўрта асрларда ҳам мавжуд эди. Ва нихоят, Шекспир пайдо бўлган пайтга қадар Уйғониш даври деярли икки асрлик тарихга эга бўлган. Бу давр шеърӣятни ҳам яратди.

Гуманистик шеърӣят бутун Европа бадий маданиятининг анъаналарига, айниқса, классик антик даврга мерос қолдирган шеърларга асосланган эди. Шоир ўтмишдошларининг ижодларини билиши керак эди. У улардан мавзулар ва сюжетларни олиши мумкин эди, лекин, улар учун янги оғзаки ифода ва янги шеърӣй сайқал топишга мажбур бўлди.

Ҳар қандай ҳақиқий санъат асари сингари, Шекспирнинг Сонетлари ҳам бир неча қатламларга эга. Биринчиси - ҳамма учун энг қулай бўлган - бу сюжет қатлами. Сонетларнинг барчасини кетма-кет ўқиб

чиққандан сўнг, улар шоир ва ундан кичик бўлган ва эҳтимол, юқори ижтимоий мавқени эгаллаган ёш йигитнинг дўстлигини акс эттиришларини тахмин қилиш осон. Унинг хайрихоҳлигини қозониш учун бошқа шоирлар ҳам изланмоқда. Улардан бири, баъзи сонетларга қараб ҳукм чиқарсак, ҳатто бизнинг муаллифимизга қараганда кўпроқ илтифотга эришган.

Сонетлар асосини ташкил этадиган воқеалар ҳақиқатан ҳам драматикдир. Одамларни бир-бирига яқинлаштирадиган иккита туйғу шоирни ёш йигит ва юракнинг вайрон қилувчи хоним билан боғлайди. Иккала ҳиссиёт - дўстлик ва севги - бузилади, чунки дўсти ва севгилиси яқинлашади ва иккаласига ҳам самимият билан саҳий бўлган кишини алдаб, хиёнат қилишади. Шоир ва дўст ўртасидаги дастлабки бемаъни муносабатлар, айниқса, улар орасида бир аёл тургандан кейин янада мураккаблашади. Шоир на дўст, на ошиқ билан ажралишни истамайди. Шоирнинг ўзига яқин бўлган икки кишига бўлган муносабатини таққосласак, у ўз дўстини севгидан юқори қўйганини кўриш осон. Бу Шекспир сонетлари ва ўз даврининг севгини ҳар доим биринчи ўринга, дўстликни эса иккинчи ўринга қўядиган бошқа сонетнавислар асарлари орасидаги энг муҳим фарқ.

Агар ушбу афзалликнинг сабабини тушунишни истасак, Шекспир даври ёзувчиларининг асарларига мурожаат қилишимиз лозим бўлади. Ўша кунларда дўстлик севгидан кам эмас эди. У ҳатто севгидан кўра кўпроқ маънавий туйғу деб ҳисобланган. Шекспирнинг сонетларида биз дўстлик ва севги масаласига айнан шундай муносабатда бўламиз. Шоирнинг дўстга бўлган ҳис-туйғулари, унинг жозибасида ғоят тубан бир куч бор, хиёнаткор қора-мағиз аёлга бўлган эҳтиросидан кўра янада тоза ва улуғвордир.

Анъанага риоя қилиш Уйғониш даври шеърӣятининг фақат бир томони эди. Шоирга ўзига ҳослик ва ҳар қандай анъанавий лирика мавзусини қайта ифодалаш қобилияти керак эди. Шоир ўз



тасаввурининг қудратини кўрсатиши, тасвираб беришга мажбур этган ҳар қандай объектни ўз тасаввурлари билан яшнатишни истар эди.

Шекспирнинг Сонетлар муаллифи сифатида ўзига хослиги воқеликка - табиатга ва кундалик ҳаётга ёндашишида

яққол намоён бўлди, бироқ, айтиб дамда инглиз шеърлятида унинг ўтмишдошлари ва замондошлари кўп китобий элементларига эга эдилар. Шекспир ҳам бундай шеърлятни қўлаган, аммо, унинг энг яхши сонетлари жонли воқелик билан уйғунлашган.

Адабиётлар:

1. Chambers E.K. William Shakespeare. // –Oxford, 1930, vol.2, -p.194.
2. Crutwell P. The Shakespearean Moment and its Place in the Poetry of the 17th Century. // N. Y., 1960. -P. 18-19.
3. Coleridge S. T. Lectures and Notes on Shakespeare. // The World's Classics, L., 1931. P. 42.
4. Dryden John. Dramatic Essays. // Everyman Library. L., n. d. -P. 103.
5. Hubler E. The Sense of Shakespeare's Sonnets. // Princeton, 1952. -P. 43.
6. Halliday F. E. Shakespeare and His Critics. L., 1955. -P. 57-325.
7. Meres Francis. Paliadis Tamia: Wits Treasury, цит. по: Chambers E.K. William Shakespeare. Oxford, 1930. V. I. -P. 194.
8. Rowse A. L. William Shakespeare. A Biography. L., 1963. -P. 175.
9. Rowse A.L. Shakespeare the Man.// L., 1973, -P. 102-109.
10. W. Shakespeare. "The Sonnets and Narrative Poems."// The Millennium Library. William Burto. 1989.
11. Цит. по: Эккерман И. П. Разговоры с Гёте. // М., 1981. -С. 428.

Буриева Н. Загадочность и художественные особенности сонетов Шекспира.

Данная статья описывает лирическую манеру повествования в сонетах Шекспира и построение художественного образа, который основан на эмоциональном переживании. В основе образа лежит многостороннее изображение человека в его деятельности, в сложных взаимоотношениях с людьми в жизненном процессе. Также изложены мнения английских поэтов относительно шекспировских сонетов.

Burieva N. Mystery and artistic features of Shakespeare's sonnets. This article describes the lyrical style of narration in Shakespeare's sonnets and the construction of an artistic image that is based on emotional experience. The image is based on a multilateral image of a person in his activities, in complex relationships with people in the life process. Furthermore, the opinions of English poets about Shakespeare's sonnets are presented.



ЎЗБЕК ТИЛШУНОСЛИГИДА ИСЛОМИЙ - ДИНИЙ МАСАЛАЛАР

Қўшоқова Барнохон Йўлдошевна,

*Ўзбекистон давлат жаҳон тиллар университети филология фанлари
бўйича фалсафа доктори (PhD)*

Калит сўзлар: *диний, ижтимоий-диний, исломий-диний, диний услуб, диний терминлар, диний матн, теолингвистика.*

Ижтимоий-диний, хусусан, исломий-диний масалалар бир қатор ўзбек олимлари томонидан ўрганилган бўлиб, тадқиқ этилган ишлар жуда кам сонни ташкил қилса-да, замонавий ўзбек тилшунослигининг кўзга кўринган ютуғи ҳисобланади.

Профессор М.Э.Умархўжаевнинг диний услуб тўғрисидаги бир қатор илмий ва илмий-публицистик мақолалари ва диний терминларнинг қисқача луғати, шунингдек, диний матнларда экзотик лексиканинг таҳлилига бағишланган профессор Н.М.Улуқовнинг диссертацион иши, Ш.Т.Махмараимованинг оламнинг миллий тасвирида теоморф метафоранинг когнитив аспектини ўрганишга бағишланган тадқиқоти, Ш.М.Султонованинг “Муқаддас матнларда замон категориясининг лингвимаданий хусусиятлари”ни тадқиқ қилган диссертацион иши, М.Р.Ғалиеванинг “Дунёнинг лисоний тасвирида диний-мифологик тафаккурнинг акс этиши” мавзусида ёқланган докторлик диссертацияси бу борада қилинган кўзга кўринган ишлардандир.

Ҳар қандай тилнинг ўзига хос лингвистик ва экстралингвистик хусусиятлари ўша тил истеъмолида мавжуд бўлган сўз ва сўз бирикмаларида, айниқса, лексикасида ёрқин намоён бўлади. Ҳар бир халқнинг ўз макони ва замони мавжудлиги, ўзининг муайян оламга эгаллиги ўша тилларда ўзига хос тил бирликлари шаклланишига сабаб бўлади.

Таниқли тилшунос олим Н.М.Улуқовнинг “Ўзбекча диний матнлар экзотик лексикаси” деб номланган номзодлик ишида ўзбекча диний матн экзотизмларининг мавзуй гуруҳлари ва

маъно хусусиятларига кўра экзотик сўзлар, экзотик атоқли отлар, экзотик фразеология гуруҳларига бўлиб ўрганади. Ўзбекча диний матн экзотизмларининг турлари, семантик жиҳатдан ўзига хосликлари ва функционал вазифаларининг мукамал тадқиқини олиб боради, муаллифнинг таъкидлашича, “шу тарзда мавзуй гуруҳларга бўлинганда экзотик лексика ҳақидаги тушунчалар, уларнинг маъноси, лексик-семантик хусусиятлари, функционал вазифалари ҳамда бошқа лингвистик хусусиятлари”[4] яққолроқ кўринади.

Профессор М.Э. Умархўжаев “Ўзбек тилининг диний атамалари луғати қачон тузилади?” [6] деган сарлавҳа остида ёзган мақоласи кенг жамоатчилик оммасига ҳавола қилинди.

Мақолада тилимизнинг ушбу ноёб қатламининг фонетик-орфографик (имловий) кўриниши, лексик-семантик, структурал-функционал хусусиятлари чуқур ўрганилмагани, тилшунос ва илоҳиётчи олимлар ҳамда мутахассислар назаридан кўп йиллар четда қолгани оқибатида чет тиллардан ўзлаштирилган диний атамаларнинг лексик маъноларини изоҳлаш ва тафсир қилишда субъективлик, ўзга тиллардан баъзи тушунча ва атамаларни ўзлаштиришда асоссиз эркинлик, баъзи ҳолларда ўта арабчалаштириш ёки форсчалаштириш ҳолатлари кўзга ташланаётганлигини баён қилди.

Ўзбек тилининг қадимдан тўпланган, ўзига хос шаклланган махсус диний лексик-семантик қатлами мавжудлиги, ўзбек тилшунослигида ушбу ноёб лексик қатламнинг илмий ҳамда амалий мақсадда ўрганилишига етарлича



эътибор берилмаганлиги бу хусусда махсус илмий-тарихий тадқиқотлар олиб боришни тақозо этаркан, шу ўринда М.Э. Умархўжаев ўзбек тилини қуйидаги каби даврларга бўлиб ўрганишни таклиф қилади: собиқ шўролар даврига қадар бўлган давр; шўролар даври; мустақиллик даври.

Муаллиф лингвистикада эътироф этилган функционал услублар сирасига жаҳоннинг барча тилларида, хусусан, ўзбек тилида ҳам фонетик, лексик, грамматик, стилистик ва бошқа қатор хусусиятларга эга бўлган диний функционал услуб мавжудлигини ва диний атамалар луғати шу услубнинг кўрсаткичи [5] эканини таъкидлайди.

“Ўзбек тилининг диний атамалари луғати” тилшунос диний лексикани қатор мавзуй гуруҳларга ажратади: (ўзбек тилида асосий диний тушунчаларни ифодаловчи атамалар, диний, ахлоқий-одобий тушунчалар, Аллоҳ таолонинг гўзал 99 исмлари, фаришталар номлари, Пайғамбарлар номлари, Муҳаммад (с.а.в.) оила аъзолари ва саҳобалари, диний атамаларни ифодаловчи атамалар, ибодатга оид ва уларнинг вақтларини ифодаловчи атамалар, диний унвон ва даражани ифодаловчи атамалар, Қуръони Каримда тилга олинган баъзи бир шахсларнинг номлари, Ватанимиз заминидан етишиб чиққан буюк алломалар, илоҳиётчилар ва улар билан боғлиқ бўлган жой номлари, Муқаддас шаҳарлар ва масжидлар номлари, Ҳаж ибодати билан боғлиқ бўлган тушунча ва атамалар, диний кийимлар, турли диний буюмлар номлари, диний-фикҳий атамалар) [5].

М.Р. Галиеванинг “Дунёнинг лисоний тасвирида диний-мифологик тафаккурнинг акс этиши” мавзусида ёқланган докторлик диссертациясида тил ва дин ўртасидаги муносабатни тилнинг барча сатҳларида ўрганувчи тилшуносликнинг замонавий йўналиши (тил ва маданият, тил ва тафаккур, тил ва жамият муносабатлари масалалари билан шуғулланувчи [1]) теолингвистикага ажратиш зарур деган ғояни илгари суради,

“тил — маданият — дин» муносабати муаммосига бағишланган мажмуавий тадқиқот [1]” олиб боради.

Мазкур ишда тил ва диннинг ўзаро алоқалари масалалари тадқиқ қилинади, муаммога оид ёндашувлар кўрсатилиб, замонавий лингвистик фан — теолингвистиканинг назарий ва эмпирик асосини кенгайтириш масалаларига эътибор қаратилади. Бундан ташқари тилшунос ўз ишида диний-мифологик маркерланган тил бирликлари тушунчасини киритиб, концептларини аниқлайди ва таснифлаш мезонларини ишлаб чиқади, дунёнинг диний тасвирининг лисоний воқеланиши хусусиятларини лексик, фразеологик, паремиологик бирликлар, уларнинг нутқда қўлланишига алоқадор лингвистик (“оригинал тилдан ўзлаштириш; сакрал китоблар ва адабиётлар таржимаси; диний-мифологик маркерланган тил бирликларининг эквивалентлиги ва эквивалентсизлиги; ҳар бир тилнинг диний маркерланган фразеологик бирликлар семантик структурасидаги фарқ; д) у ёки бу диний-мифологик образ ва сюжетларнинг турли тилларда таъкидланиши”[1]) ва экстралингвистик омиллар (“ўрганилаётган тил мамлакати ҳудудида у ёки бу тилнинг етакчилиги; диний, ибодат тилларнинг муқаддаслашуви; турли мамлакатлар ҳудудида сакрал китоблар таржимасининг пайдо бўлиш даври; турли халқларнинг конфессионал мансублиги; миллий дунёқараш ва анъаналарнинг ўзига хослиги; е) ўрганилаётган тил мамлакатининг ижтимоий-сиёсий тузumi [1]”) ва бадиий матнлар орқали аниқлаб изоҳлайди, шунингдек, уларнинг вербаллашувини таҳлил қилади.

Шунингдек, бадиий матнлар асосида интертекстуаллик ва прецедентлик назариялари доирасида диний-мифологик илдизларга эга прецедент матнларнинг қўлланилишини кўриб чиқади ва диний-мифологик маркерланган тил бирликларининг бадиий матндаги когнитив-концептуал ҳамда маданий



аҳамиятини аниқлаш масалаларини тарғиб қилади.

М.Р.Галиева замонавий ўзбек тилшунослигида, хусусан, теоллингвистикада диний тил ва матнларнинг лингвистик хусусиятларини ўрганувчи ҳамда диний дунё тасвирини умумодабий тилда акс этишини ўрганувчи иккита асосий йўналиш (муқаддас матнлар ва диндорлар нутқи материали асосида диний тилнинг тадқиқи ва диний-мифологик тафаккур дунёнинг лисоний тасвирида ифодаланишининг хусусиятларининг таҳлили) [1] ажратиб беради ва диний-мифологик маркерланган тил бирликларининг этимологик ва мавзуй таснифларини ишлаб чиқиб, уларнинг дунё лисоний тасвири шаклланишида когнитив-концептуал, маданий ва рамзий аҳамиятини кўрсатиб беради.

Диний-мифологик концептларнинг мажмуасини аниқлаб, уларни таснифлаш тамойилларини ишлаб чиқади ва ушбу концептларнинг бадиий матнда ифодаланишини очиб беради.

Дунё диний тасвирининг тилда акс этишини ўрганишга қаратилган теоллингвистикани мустақил фанлараро лингвистик йўналиш сифатида эътироф этиш мумкинлигини тил ва дин муносабатларида акс эттириб беради.

Ш.М.Султонованинг “Муқаддас матнларда замон категориясининг лингвомаданий хусусиятлари” деб номланган диссертацион тадқиқот ишида эса, муаллиф муқаддас матнлардаги замон категориясининг лингвомаданий таҳлили асосларини кўрсатиб беради. Муқаддас китобларда замон таълимоти тўғрисидаги тилшуносликдаги қарашларни ёритиб, замон тушунчасини мифологик ва диний тасаввурда очиб беради.

Тилшуносликда энг баҳсталаб ҳодиса бўлган бугунги энг муҳим замон масаласидаги йўналишлар деб эса муаллиф тил ва маданиятнинг ўзаро муносабати, тил ва диний таълимотларнинг ўзаро алоқаси этнопсихоллингвистика, антропололингвистика, лисоний фалсафа

каби тилшуносликнинг замонавий тармоқларини санайди [3].

Муқаддас матнларда замон категориясининг ифодаланишини кўрсатар экан бунда, темпорал сўзларни лексик-семантик жиҳатдан таҳлил қилади.

Диннинг вакили бўлган халқнинг тафаккурида ва маданий турмушида замон категориясининг намоён бўлиши ҳақида фикр юритади. Таҳлил материали сифатида мусулмон ва христиан динига мансуб халқ ва уларга нозил қилинган муқаддас матнлар ва шу матнлардаги замон категориясининг дин вакиллари онгида ва маданиятида кўринишини изоҳлайди. Илмий тадқиқот ишида тил ва маданият уйғунлигида замоннинг муқаддаслик хусусиятига урғу беради.

Тадқиқот ишининг асосий ютуғи сифатида бир қатор масалаларни санаб ўтишимиз мумкин, жумладан, замон категориясига ўз таърифини бериб, назариянинг умумий ва хусусий томонларини кўрсатиб беради, мавжуд замон моделларини янгича таснифлайди.

Ш.М. Султонова замон категорияси ва унинг ўзига хосликларининг вербаллашувидаги умумий қонуниятлар ушбу категориянинг ҳам универсаллиги билан бирга унинг мазмуни, барча соҳада инвариантлилиги ҳақида муҳокама юритиб, бу ҳодиса замон категориясини ягона методологик асосда таҳлил қилинишни тақозо этишини айтиб ўтади [3].

Мусулмонларнинг муқаддас китоби Қуръони карим ва христианларнинг муқаддас китоби Инжилда темпорал сўзларнинг қўлланиш доирасини аниқлаб, лексик-семантик таҳлил асосида уларнинг лингвомаданий хусусиятларини очиб беради, темпорал сўзларнинг семантик таркибида изоҳли луғатларда акс эттирилмаган муқаддаслик маъно компонентларини ҳам кўрсатади. Шунингдек, муқаддас матнлардаги темпоралликнинг мақол, матал ва турғун ибораларда ифодаланишида лингвомаданий хусусиятлар акс этишини таъкидлайди [3].



Жаҳонда такрор-такрор юз бераётган диний-экстремистик ҳаракатлар, ҳар хил ёмон мақсади ортида динни рўқач қилувчи оқимларнинг кўпайиши шундан сабоқ берадики, қаерда диний эркинлик ҳимоя қилинмас экан, ўша ерда беқарорлик ва бузгунчилик ғоялари пайдо бўлиб, илдиз отишига кўпроқ имконият очилади, натижада жамият секин-секин маънавий-маданий инқирозга юз тута бошлайди.

Хулоса қилиб айтганда, инсоният тамаддунининг асосий шакли сифатида дин деярли инсониятнинг ўзи билан бирга баравар ривожланиб келмоқда. Тарихдан маълумки, диний маданият кишилик жамиятига жуда катта таъсир ўтказди. Ижтимоий омил сифатида дин жамиятнинг “нафақат иқтисодий-сиёсий, илмий ҳаёти,

фалсафаси ва санъатига, балки психологиясида ҳам инсоннинг ахлоқий жиҳатлари ва мафкурасида ҳам сездирмасдан, аммо мунтазам равишда ўз аксини топиб, руҳиятининг ўзгаришида” намоён бўлиб бораверади.

Маданиятнинг иқтисод, сиёсат, ҳуқуқшунослик, маънавият, санъат, фалсафа ва фан каби кўплаб бошқа универсал соҳалари каби дин ҳам инсон ва жамиятнинг барча қатламлари ва даражаларини қамраб олади. У тарихнинг барча даврларида, барча халқларда ва маданиятнинг ҳар хил турларида мавжудлигича қолаверади. Шу боисдан ижтимоий жараёнларни ҳисобга олиб исломий-диний лексикани ўрганиш замонавий тилшуносликнинг долзарб масалаларидан ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Галиева М.Р. “Дунёнинг лисоний тасвирида диний-мифологик тафаккурнинг акс этиши”, Фарғона, 2019, филология фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. Б.6.
2. Махмараимова Ш. Ўзбек тили теоморфик метафораларининг қисқача концептуал луғати. – Тошкент: Чўлпон, 2018. – 99 б.
3. Султонова Ш.М. Муқаддас матнларда замон категориясининг лингвوماданий хусусиятлари, филология фанлари бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган докторлик диссертацияси, Фарғона, 2019.
4. Улуқов Н.М. Ўзбекча диний матнлар экзотик лексикаси., Филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация, Тошкент, -1997.
www.disnatlib
5. Умархўжаев М.Э. Диний атамалар ва иборалар. изоҳли луғати, Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, Тошкент, 2016 й.
6. Умархўжаев М.Э. “Ўзбек диний атамалари луғати қачон тузилади?”.

Кушакова Б. Исламско - религиозные проблемы в узбекской лингвистике. По мере развития человечества каждая социальная сфера напрямую зависит от взаимодействия с человеком. Религия является древнейшим культурным символом в человеческом обществе. Изучение процессов, изменений, развития и прогресса в этой области с точки зрения лингвистики является актуальным явлением во все времена. Новые социокультурные взгляды указывают на то, что в жизни общества происходят новые события.

Kushakova B. Islamic-religious issues in the Uzbek linguistics. As humanity develops, every social sphere is directly dependent on man's interaction with it. Religion is the most ancient cultural symbol in human society. The study of processes, changes, developments and developments in this field is very interesting in linguistics, however, it is a topical phenomenon in all periods. New socio-cultural views indicate that new events are taking place in the life of society.



“ҚИСАСИ РАБҒУЗИЙ” АСАРИДАГИ ФОРСИЙ ЭЛЕМЕНТЛАР ЁРДАМИДА ҲОСИЛ БЎЛГАН АРАБИЙ ЎЗЛАШМАЛАР

Сагдуллаева Дилфуза Каримуллаевна,

Ўзбекистон халқаро ислом академияси таянч докторанти

Калит сўзлар: арабий ўзлашмалар, форсий элементлар, аффикс, префикс, инфикс, арабча асос, қўшма сўзлар, морфологик таҳлил.

Буюк аждодимиз Носуриддин Бурхонуддин Рабғузий томонидан 1310 йилда ёзилиб, ислом динини қабул қилган мўғул беги Носуриддин Тўқбуғага тақдим этилган асар – “Қисаси Рабғузий” дир. Асар чингизийлар ҳукмронлиги давом этаётган бўлса ҳам, Волга бўйларида то Хитой чегараларигача чўзилган улкан ҳудудларда мўғуллар қандай туркийлашаётгани ва ислом таълимотини туркий тилда “ўқимокқа кераклик, ўрганмакка яроғлик” китоблар орқали қабул қилиб мусулмон бўлаётганини кўрсатувчи тарихий далил ҳисобланади [Абдушукуров Б., 7]. Мазкур асар муқаддима, турли диний қиссалар, туркий ва араб тилидаги лирик кечинмаларни ифодаловчи шеърлар ва хотимадан ташкил топган. Асарда арабий лексемалар миқдори салмоқли даражада бўлиб, уларнинг мазкур асар матнидаги ўрни ва қўлланилиш тарзи, маъно хусусиятлари, муайян матнда бажарган мазмуний ва шаклий вазифаларини аниқлаб, структур хусусиятларини талқин қилиш каби муаммолар шарқ тилшунослиги учун муҳим илмий аҳамият касб этади.

“Қисаси Рабғузий” асарида қўлланган арабий ўзлашмаларнинг морфологик тадқиқи XIV-XV асрлар туркий тил тизимидаги арабий сўзларнинг қандай ўзгаришга учраганлигини аниқлашга хизмат қилади. Ҳеч бир тил соф ҳолатда мавжуд бўлмаганидек, “Қисаси Рабғузий” асарида ҳам арабий сўз ва форсий элементнинг қўшилиши натижасида ҳосил бўлган бир қатор лексик бирликлар мавжуд. Маълумки, XI асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, форс адабий тилига диний, сиёсий-иқтисодий ва маъмурий соҳадаги арабча сўзлар кириб

келиб, тилни салмоқли даражадаги лексик қатлам билан бойитган [Пейсиқов Л.С., 36; Барышников А.Ф., 123]. Асарда туркий тил лексикасини бойитишга хизмат қилган бир қатор форсча морфологик элементлар воситасида ҳосил бўлган арабий ўзлашмалар қўлланган. Таҳлил натижасида арабча асосга қўшилиб, янги лексика ҳосил қилишда иштирок этган бир қатор форсий аффикс (қўшимча) ва префикс (олд қўшимча)лар мавжудлиги маълум бўлди.

Форсча аффикслар иштирокида ҳосил бўлган арабий ўзлашмалар:

-он (ان-) қўшимчаси. Жонли предметларни билдирувчи отлардан кўплик ҳосил қилувчи қўшимча [Абдусаматов М., 81] бўлиб, асарда 4-боб аниқ даража сифатдоши مسلم (муслим) сўзига -он (ان-) қўшимчасини қўшиш орқали مسلمان [QRA:2v1⁵³] – *муслимон* сўзи ҳосил бўлган. Форс тилида бу сўз مُسْلِمَان (мусалмон) тарзида ўқилиб, “ислом динини қабул қилган киши” маъносини билдиради [Ҳасан Амийд, 956]. Кейинчалик мазкур сўздаги -он қўшимчаси грамматик категория сифатида аҳамиятини йўқотган. Бу қўшимча қўшилганидан сўнг қуйидаги товуш ўзгаришлари содир бўлган: *муслимон* сўзининг иккинчи бўғинидаги **и** унлиси талаффуз қилинмай, **сл** товушлари оралиғига **у** унлиси киритилган: **муслимон-мусулмон** [Раҳматуллаев Ш., 956]. Тадқиқ этилаётган асарда “мусулмон” сўзи от, сифат ва феъл туркумларида қўлланган. От туркумига оид мазкур сўзнинг кўплик шакли “-лар” қўшимчаси билан ифодаланган. *Ул мусулмонларда уч юз киши ўлдилар*. Сифат вазифасида *мусулмон*

⁵³Изоҳ. [QRA:2v1] - “Қисаси Рабғузий” асари А - кўлёзма нусхасининг варағи ва қаторлар тартиби



динлыг [QRA:2v1], мусулмон тишилар [QRA:82r21] (мусулмон аёллар) каби бирикмаларда қўлланган бўлса, “бўл=” кўмакчи феъли билан “мусулмон бўл=” кўшма феълени ҳосил қилишда иштирок этган. Юсуф иймон арза қилди, мусулмон бўлдилар [QRA:72v19]. Ул жумладан, Аббос ва Ҳамза мусулмон бўлдилар [QRA:198r12]. Шунингдек, “мусулмон” сўзи “-лық” туркий кўшимчаси билан бирикиб мавҳум от ҳосил қилган. Солиҳ уларни мусулмонликқа ундади [QRA:31v12].

-гин (گين -) яримаффикси. Форс тилида сифат ҳосил қилувчи –гин (گين-) кўшимчаси асоснинг семантикасига боғлиқ бўлиб, салбий хусусиятни ифодаловчи сўзлардан сифат ясайди [Пейсиков Л.С., 1973, 72]. Асарда бу кўшимча билан “қайгули, хафа” маъносини англатувчи *гамгин* (غمگين) сўзи қўлланган. Мусо *гамгин* бўлди [QRA:130v5]. Бу сўз форс тилида ҳам айнан шу маънода қўлланилади [Бу ҳақда қаранг. Ҳасан Амийд, 850].

-хон (خون) кўшимчаси. Форс тилидаги “ўқимоқ” маъносидаги “хондан” (خواندن) феълидан ҳосил бўлиб, бирор юмуш билан машғул бўлувчи шахс отини ясайди [Юлдашев Т., 50]. Асарда бу аффикс билан *тавротхон* ва *қуръонхон* сўзлари ҳосил бўлган. Масалан: *Ҳадиджа тавротхон эрди* [QRA:186v17]. *Аймишлар қуръонхонлар* *Қуръоннинг қамуз ҳарфин санаб, ики бўлмишлар* [QRA:178v13]. (Яъни: *Айтмишларки, қуръон ўқувчилар* *Қуръоннинг барча ҳарфини санаб иккига бўлмишлар*).

-дор (دار) кўшимчаси. Асарда форс тилидаги *доштан* (داشتن) “бор бўлмоқ, эга бўлмоқ” феълнинг ҳозирги-келаси замон асоси “-дор” билан ҳосил бўлган “тарафдор, хайрихоҳ” [АНАТИЛ⁵⁴, 127] маъносини ифодалаган от туркумига оид *ҳаводор* (هوادار) сўзи қўлланган. -дор кўшимчаси туркий тилга форсча ўзлашмалар таркибида кирган. Бу кўшимча билан ясалган сўзларда негиздан англашилган предмет ёки белгига эга бўлмоқлик маъноси мавжуд [Бегматов Э.,

181-187].... Яна Байту-л-Мақдисдан Қоба Қавсайнга ошариға мункир бўлса, мубтадиъ йўлсуз ҳаводор бўлур [QRA:217r1]. (Яъни: Яна Байту-л-Мақдисдан Қоба Қавсайнга чиқишини (яъни, пайгамбар (с.а.в.)нинг Аллоҳга яқинлашишини [Комилов Н., <http://kh-davron.uz>]) инкор қилса, йўли йўқ бидъатчи тарафкаш бўлур.)

-она (انه) кўшимчаси отлардан равиш, сифат ҳосил қилиб, асос сўздан англашилган тушунчага ўхшатиш, киёслаш маъноларини англатади [Бегматов Э., 163]. Ўрта аср форс (пахлавий) тилига оид бўлган бу кўшимчанинг тарихий шакли – *ānak* (انك) бўлган [Пейсиков Л.С., 69]. Асарда арабча асос ва -она (انه) кўшимчаси билан ҳосил бўлган от туркумига оид *шукрона* (شكرانه) – “бирор нарсага эришганлик, етишганлик эвазига билдириладиган миннатдорчилик” [ЎТИЛ⁵⁵, 2, 431] сўзи қўлланган. *Бани Исроил севунишиб, Изига шукр қилдилар, тевелар сўйуб, шукрона бердилар* [QRA:132r7]. (Яъни: *Исроил қавми севиниб, Худога шукр қилди, туялар сўйиб, миннатдорчилик билдирди*). Асли сифат ҳосил қилувчи -она (انه) кўшимчаси воситасида ҳосил бўлган *шукрона* сўзи асарда от вазифасида қўлланган.

-гāх (گاه) кўшимчаси исм туркумига оид сўзлардан ўрин-жой маъноларидаги от ҳосил қилган. Арабча “кўриниш, манзара” [Ан-Найм, 834] маъносидаги “манзар” (منظر) сўзидан *манзаргāх* (منظرگاه) – “томоша майдони”: Ул вақтда *Дақёнус манзаргāхдин тамошо қилур эрди* [QRA:178r11]; “хайит, байрам” [Ан-Найм, 573] маъносидаги “иъйд” (عيد) лексемасидан *иъйдгāх* (عيدگاه) – “байрам қилинадиган жой”: *Ийъдгāхга кун ўртага теги туруп яниб келсалар ул ашларни кўтруб бутларимиз бирга бу ашларга тегди теп элтиб ўгул қизлари бирла еюр эрдилар* [QRA:39v5]. (Яъни: *Байрам майдонига пешин пайтида келиб, у овқатларни кўтариб, бутларимиз бу овқатларга тегди деб, олиб бориб ўгил-қизлари билан бирга ер эдилар*); “таъзим,

⁵⁴ Изоҳ. АНАТИЛ-А.Навоий асарлари тилининг изоҳли лугати

⁵⁵ Изоҳ.ЎТИЛ - Ўзбек тилининг изоҳли лугати.



куллук” [Ан-Найм, 361] маъносидаги “сажда” (سجدة) сўздан *саждагаҳ* (سجده گاه) – “сажда қилинадиган жой, жойнамоз”: ...Ул қадар *ийгиладиким, саждагаҳи кўзи ёшиндин кўл бўлди* [QRA:135v16]. (Яъни: Шу қадар *ийгиладики, жойнамози кўз ёшидан кўл бўлди*) сўзлари ҳосил бўлган.

Форсча префикслар иштирокида ҳосил бўлган арабий ўзлашмалар

бе- (ب) префикси. Асарда *бе-префикси + арабча асос + кўмакчи феъл* конструкцияси орқали ҳосил бўлган *беҳилл қилинг* (بھلل قىلىنك) кўшма феъли қўлланган. Беҳилл сўзи форсча *бе-* префикси ва арабча “ижозат этилган, руҳсат берилган” маъносидаги “хилл” 1-боб масдари воситасида ҳосил бўлиб, форс тилида *беҳилл кардан* (بھلل كردن) шаклида “кечирмоқ, гуноҳидан ўтмоқ” маъносида қўлланилади [Ҳасан Амийд, 427]. Асарда бу лексема, айнан шу маънода қўлланган. *Ман барурман манга беҳилл қилинг* [QRA:242v8]. (Яъни: *Мен кетяпман, менинг гуноҳимдан кечинг*). Муаллиф арабча асосга форсча элемент қўшиб, туркий кўмакчи феъл билан қўллаган.

Асарда инкор, бўлишсизлик маъносидаги сифат ҳосил қилувчи **но- (ن) префикси** [Пейсигов Л.С., 193] билан исм туркумига оид сўзлар иштирокида ҳосил бўлган *номаҳрам* (نامحرم) [QRA:249r13] “маҳрам бўлмаган”, *номустақим* (نامستقىم) [QRA:2v15] “тўғри бўлмаган”, *ноаҳл* (ناأھل) [QRA:145r21] “оилага тегишли бўлмаган” каби сўзлар қўлланган.

ба- (ب) префикси. Асарда равиш ҳосил қилувчи бу олд кўшимча ёрдамида ясалган *бағоят* (بغایت) сўзи қўлланган. Араб тилида исм туркумига оид “чек, чегара” [Ан-Найм, 600] маъносини ифодаладиган “ғоят” сўзи форсий префикс билан қўшилиб, “ғоят даражада, жуда ҳам” [ЎТИЛ, 1, 90] маъносидаги равиш туркумига оид лексема ҳосил қилган. *Одамнинг териси бағоят кўрклуг эрди* [QRA:6v21]. (Яъни: *Одамнинг териси жуда ҳам чиройли эди*.)

дар- (در) префикси. Тадқиқ этилаётган асарда арабча “вазият, ҳолат” [Ан-Найм, 107] маъносини ифодаловчи “ҳол” (حال) сўзига *дар-* (در) префикси

қўшиш орқали ҳосил бўлган “ҳозирнинг ўзида, тезлик билан” [ЎТИЛ, 1, 570] маъносидаги *дарҳол* (درحال) равиши ҳам қўлланган. *Ул қари отамизни мундин ортуқ қадғуда тутмагил теди эрса, дарҳол Юсуф юзиндан пардасин кўтарди* [QRA:104v3]. (Яъни: *Ўша қари отамизни бундан ортиқ қайғуга солмагин дейиши биланоқ, тезлик билан Юсуф юздан пардасини кўтарди*.)

Асарда форсча ва арабча сўзлар бирикувидан ҳосил бўлган кўшма сўзлар ҳам мавжуд. *Сархайл* (سرخیل) сўзи форсча *сар* (سر) - “бош” [Ҳасан Амийд, 611] ва арабча *хайл* (خیل) - “от, тулпор” [Ан-Найм, 249] сўзларининг бирикувидан ҳосил бўлган гибрид сўз ҳисобланади. *Сархайл* (سرخیل) форс тилида архаик сўз бўлиб, “отлар сақланадиган бўлинма бошлиғи [Миллер Б.В., 280]”, “саркарда, лашкарбоши [Ҳасан Амийд, 611]” маъноларини англатади. *Малик телим чериг йигди, ул черигга Абраҳа бин Асрам бин Абраҳа Сабаҳни сархайл қилдилар* [QRA:179v20]. (Яъни: *Малик кўплаб лашкар тўплади, у лашкарга Абраҳа бин Асрам бин Абраҳа Сабаҳни саркарда қилдилар..*)

Арабча асос ва форсий сўз.

Арабча асосга *зода* (زاده) - “ўғил” [Ҳасан Амийд, 563] маъносидаги сўз бирикувидан: *ҳалолзода* (حلال زاده) – “хайрли авлод [Абдушукуров Б., 76], солиҳ фарзанд”: *Атаси васийят қилди ҳалолзода ул бўлурким атаси вассиятын сақласа* [QRA:244r16]. (Яъни: *Отаси васият қилдики, отаси васиятин амалга оширган фарзанд солиҳ фарзанд бўлади*); *аммузода* (عموزاده) – “амакининг ўғли, амакивачча”: *Ўлугнинг аты Аъмил эрди.....аммузодалари чигай эрдилар* [QRA:128v20]. (Яъни: *Ўликнинг оти Аъмил эди, амакиваччалари қашшоқ эдилар*); *ҳаромзода* (حرام زاده) – “ҳаромдан туғилган, оқпадар бўлган” [АНАТИЛ, 164]: *Кисро айди: мани ўлтургил, ким атасыны ўлтурганни булуб ўлдурмаса ҳаромзода бўлур* [QRA:231v14] (Яъни: *Кисро айтди: Мени ўлдиргин, кимки отасини ўлдирганни топиб ўлдирмаса, оқпадар бўлади*) каби сўзлар ҳосил бўлган.



Асар тилида арабча қасам (قسم) лексемасига форсча “хотира” маъносини англатувчи “ياد” сўзини қўшиш орқали “қатъий ваъда, онт” [ЎТИЛ, 2, 559] маъносидаги қасамёд (قسم ياد) сўзи ҳосил бўлган. Масалан: *Қасамёд қилу ёрлиқади* [QRA: 173r20]. (Яъни: *Қатъий ваъда билан фармон берди*).

Шунингдек, асарда арабча ва форсча предлоглар бирикувидан ҳосил бўлган *баъд аз* (بعد از) - “-дан сўнг, кейин” лексемаси ҳам қўлланган. *Мусанниф сўзи баъд аз бу китобни тузган, маъсият ёбонин кезган...андоғ айтур* [QRA: 2r17].

(Яъни: *Бундан сўнг муаллиф сўзи шуки, бу китобни тузган, гуноҳ биёбонларини кезган...шундай дейди*).

